



ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тартиб-қоидаларига биноан ҳар йили аъзо мамлакатлардан бири унга раис бўлади. 2009 йил Екатеринбург саммитидан кейин ШХТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди. Таомилга биноан раислик қилувчи давлат ўз худудида навбатдаги саммитни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кўксарой қароргоҳида 11 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги, ўнинчи мажлиси бўлиб ўтди.

ШХТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Руслан Казакбаев иштирок этди.

Музокарада ШХТ ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада ривож-

лантириш, терроризм, диний экстремизм ва айирмачилликка, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Ҳар қандай халқаро ташкилотнинг нуфузи ва аҳамияти унга дунёда берилаётган эътибор ва фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. ШХТ нисбатан қисқа вақт ичида нуфузли халқаро ташкилотга айланди. 2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат раҳбарлари ШХТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо



чекдилар. Унинг доимий фаолият кўрсатувчи икки органи — Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олинди. Таъсис ҳужжати — Хартия 2002 йил 7 июнь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди. Шу тариқа ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди. Аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш унинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда.)

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 11 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент Саммитида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Покистон Ислоҳ Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий билан учрашди.

— Мамлакатларимиз халқлари тарихан мустаҳкам дўстлик ришталари билан боғланган, урф-одатларимиз ва маданиятимиз ўхшаш, улуг аждодларимизнинг мероси умумий бойлигимиз саналади. Бугунги кунда Ўзбекистон — Покистон муносабатлари ана шу анъанавий дўстлик асосида ривожланмоқда, — деди Ислоҳ Каримов.


Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик замон талаблари асосида самарали ривожланмоқда. Олий даражадаги учрашувлар чоғида имзоланган турли соҳаларга оид икки томонлама ҳужжатлар ўз самараларини бермоқда. Айни пайтда икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқалари

фаоллашиб, товар айирбошлаш ҳажми ошиб бормоқда.

Кейинги пайтларда мамлакатларимиз маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни ривожлантирмоқда. Покистонда Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Муҳаммад Иқболнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференциялар ва бошқа маданий тадбирлар бунга яхши мисол бўла олади.

Кўксаройдаги учрашувда томонлар Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги ҳамкорлик гоёя долзарб масалалардан эканини таъкидладилар. Чунки икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинч ҳаёт қарор топиши ва ушбу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишидан манфаатдордир. Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш билан боғлиқ масалаларга ёндашувлари ўхшашдир.

(Давоми 2-бетда.)



САНЪАТ ВА ИҚТИДОР ЧОРРАҲАСИ

Термиз санъат коллежида ўқувчи-ёшларнинг юксак педагогик технологиялар асосида билим олиши, ўз салоҳияти ва ижодий имкониятларини намоён этиши учун барча шароит яратилган.

Бугунги кунда мазкур ўқув масканида 820 нафар иқтидорли йигит-қизлар рақс, дутор, доира чолғулари ижрочилиги, тасвирий санъат каби ўнга яқин йўналишда тажрибали ўқитувчи-мураб-

бийлардан маҳорат сирларини ўрганмоқда. Ана шундай салоҳиятли ўқувчилардан бири Фирдавс Намозов яқинда мамлакатимиздаги турдош коллежлар ўқувчилари ўртасида мусаввирлик бўйича ўтказилган кўрик-танловда совринли ўринни эгаллади.

Суратларда: Термиз санъат коллежи фаолиятидан лавҳалар акс этган.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

**ҲАЙРАТДАН
УЙФОНГАН
КИЗИҚИШ**

оламшумул ихтиролар
асоси бўлиши мумкин

5-бет

**МИЛЛИЙ
МУСИҚА —
БЕБАҲО
ХАЗИНА**

7-бет

Yangi rukn:
Milliy sozlar
ЧАНГ

8—9-бетлар

**ОСМОНЎПАР
ФЕРМАЛАР**

янгича йўналиш,
улкан имкониятлар

12-бет

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Покистон Президенти ШХТ Саммитида қатнашишга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди. Осиф Али Зардорий Покистон мамлакатимизни Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий муносабатларни ҳамда хавфсизлик масалаларида сиёсий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳамкор, деб билишни таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити доирасида 11 июнь куни Кўксаройда Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди.

— Ўзбек ва тожик халқлари азалдан ёнма-ён яшаб, қувончу ташвишларини баҳам кўриб, ҳамisha бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган, — деб таъкидлади Ислон Каримов. — Тарих ва ҳаёт ким сўзда, ким амалда ҳақиқий дўст эканини кўп бор исботлаган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлиги 2000 йилда имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида барқарор ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бу алоқалар минтақавий ҳамкорликка оид кенг қўламли масалаларни, жумладан, қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришни қамраб олади.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчиллик касб этган, ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон — Тожикистон ҳукуматлараро комиссияси тузилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Учрашувда Ташкилот олдида турган вазифаларни бажаришда унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Имомали Раҳмон самимий қабул ва ШХТ Саммити доирасидаги тадбирлар юксак савияда ташкил этилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Тожикистон раҳбари Ўзбекистон ШХТга раислик даврида Ташкилотнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида ўз вақтида ва самарали

ташаббусларни илгари сурганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 11 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мамлакат вакили сифатида иштирок этган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманхалли Малайя Кришнани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини, икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлигини таъкидлади.

— Ҳиндистон вакиллари билан учрашув ҳамisha катта мамнуният бахш этади, — деди Ислон Каримов. — Ташрифингиз ва Саммитда иштирок этганингиз икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол ҳамда ШХТ маконида минтақавий ривожланиш муаммолари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланади. Икки мамлакат ўртасида олиё даражадаги самарали мулоқотлар йўлга қўйилган. 1997 йилнинг август ойидан буён мунтазам равишда ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувлари ўтказиб келинмоқда. Маслаҳатлашувларнинг охириги давраси 2008 йил 1 август куни Дехлида бўлиб ўтди. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланмоқда.

Глобаллашув шароитида гуманитар соҳадаги алоқалар 1994 йилда имзоланган Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим руҳида ривожланиб, мазмунан бойиб бормоқда. 1993 йилдан буён мингга яқин Ўзбекистонлик мутахассис Ҳиндистонда ахборот технологиялари, кичик бизнес, банк иши каби соҳаларда таҳсил олди.

Давлатларимиз минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Кўксаройдаги учрашувда Соманхалли Малайя Кришна самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ШХТ тузилганидан кейин кўплаб давлатлар унинг сафидан жой олиш истагини билдирди. Айни пайтда Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистонга ШХТда кузатувчи мақоми берилган.

Ташкилотнинг фаолият қўламини кенгайтириш мақсадида 2005-2006 йилларда ШХТнинг Банклараро бирлашмаси, Ишбилармонлар кенгаши ва Форуми ташкил қилинди. Банклараро бирлашма минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга хизмат қилади. Унинг доирасида шу вақтгача турли лойиҳалар учун умумий қиймати 742 миллион АҚШ долларига тенг сармоя жалб қилинган.

Ишбилармонлар кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари ишбилармонлар ва молия муассасаларининг бевосита алоқаларини йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Нохукумат орган ҳисобланувчи ушбу кенгаш аъзо мамлакатлар бизнес ҳамжамиятларининг йирик вакиллари ўз сафига бирлаштиради. Кенгаш энергетика, транспорт, телекоммуникация, банк-кредит сектори каби устувор йўналишлар билан бир қаторда, илм-фан, таълим ва инновацион технологиялар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларга эътибор қаратиб, ўз фаолиятини ижтимоий мазмун билан бойитмоқда.

ШХТ Форуми илмий-тадқиқот ва сиёсатшунослик марказларини бирлаштирган ва экспортларнинг ўзига хос маслаҳатлашув механизми ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ШХТ фаолиятини илмий ва стратегик жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Форум доирасида аъзо мамлакатлар илмий ҳамжамиятлари сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик, ижтимоий соҳа, экология ва бошқа мавзуларда маслаҳатлашувлар, музокара, анжуманлар ўтказилади.

ШХТ давлатлари ўзаро муносабатларда «Шанхай руҳи»га амал қилади. Бу ибора қарорларни консенсус асосида қабул қилиш, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилма-хилликка ҳурмат билан ёндашув, биргаликда тараққий этишга интилиш тамойилларига қатъий амал қилиш демакдир.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди. Бу вақт мобайнида Ўзбекистон ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, ШХТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқликни сақлаган ҳолда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти ШХТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизмларини, ташкилот ва унинг тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди. Тошкентда ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида имзоланган Қўшма декларация Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Контр-террористик қўмитаси ўртасидаги амалий алоқаларни ривожлантиришга йўл очади.

Бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати билан ечиб бўлмайди. Жумладан, хавфсизлик ва экология муаммолари камида минтақа микросидаги ҳамкорликни тақозо қилади. Шу маънода ШХТ билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг расмийлаштирилиши икки томон учун муҳим масалаларни ечишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга кенг йўл очади. БМТнинг Осиё ва

Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭС-КАТО), Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича қўмитаси, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази каби тузилмалари ШХТ билан анчадан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қабул қилинган Қўшма декларация бу ҳамкорликнинг имконияти ва салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда ШХТнинг ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорлик режаси тасдиқланган. Ўзаро англашув меморандумларига асосан тузилган бу режа ШХТ билан ЭСКАТО, АСЕАН, МДХ, ЕвразЭС, ОДКБ каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни назарда тутди.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатларнинг 2020 йилгача мўлжалланган кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ШХТ учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш устувор масалалардан саналади. Е-40 халқаро маршрутини реконструкция қилишни имкон қадар тез якунига етказиш барча аъзо давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, Ўзбекистон бу йўлнинг ўз ҳудудидаги қисми бўйича мажбуриятларини тўла бажариб бўлди. Айни пайтда мамлакатимиз Е-40 халқаро маршрутининг марказида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини барпо этмоқда. Шубҳа йўқки, Марказий Осиёда янги қўшма лойиҳалар амалга оширилгани сайин, яъни ишлаб чиқариш корхоналари ва йўллар барпо этиш кўпайгани сари ШХТ мамлакатлари учун «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг аҳамияти ошиб бораверади. Ташкилот аъзолари уни ривожлантиришда фаол қатнашиши мумкин.

Кўксаройдаги музокарада нафақат хомашё етишти

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловда ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот технологияла-

ри ва рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, аънавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз билим ва иқтидорини синавдан ўтказди. Туман ва шаҳарлардан сараланган олтинчи нафардан ортиқ иштирокчининг ижодий ишлари атрофлича ўрганилиб, қатъий мезонлар асосида баҳоланди. Такдим этилган ишлар орасида истиқболли инновацион лойиҳалар салмоқли экани эътиборга молик.

— Танловнинг нуфузи тобора ошмоқда, —

дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг Навоий вилояти бўйича координатори Лазиз Иноятов. — Бу йил шаҳар ва туман босқичларида 1 минг 600 нафардан зиёд йигит-қиз ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этди.

Тадбир якунида 15 иштирокчининг лойиҳа ва ишланмалари танловнинг мамлакат босқичига тавсия этилди.

— Болалигимдан адабиётга қизиқман, — дейди Қизилтепа туманидаги агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Нодирабегим Жамолова. — «Келажак овози» кўрик-танлови биз, ёшларнинг ўз имкониятларимизни намойиш этишимизда муҳим ўрин тутмоқда. Мен ҳам ушбу танловга пухта тайёргарлик кўрганам, билим ва маҳоратимни ошириш борасида кўпроқ ишлаганим туфайли адабиёт ва публицистика йўналишида республика босқичига йўлланма олдим.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири

МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

риш ва қайта ишлаш, балки юқори технологиялар, юксак даражада қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳаларида қўшма сармоявий лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш бугунги кун нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу орқали бандлик муаммосига барҳам берилади, барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади, пировардида бутун минтақада ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланади.

Давлат раҳбарлари ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик стратегияси ва унинг устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этишга, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида бу масалалар, хусусан, кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар кўриб чиқилди. Унда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари — Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Исломи Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Эрон Исломи Республикаси ташқи ишлар вазири Манучеҳр Муттақий, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманалли Малайя Кришна ҳамда саммит меҳмонлари — Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Ҳамид Карзай, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Шунингдек, мажлисда ШХТ Бош котиби Муратбек Иманалиев, ШХТ МАТТ Ижрочи директори Женисбек Жуманбеков, БМТ Бош котибининг ўринбосари Ян Кубиш, МДХ Ижроия қўмитаси раиси Сер-

гей Лебедев, ОДКБ Бош котиби Николай Бордюжа, ЕвразЭС Бош котибининг ўринбосари Мурат Мусатаев, АСЕАН Бош котибининг ўринбосари Саякан Сисовонг қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, кузатувчи мамлакатлар билан қўшиб ҳисоблаганда, ШХТ инсониятнинг ярмини бирлаштиради. Бу эса унинг асосий фаолият йўналишлари — иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги салоҳиятини оширади. Кузатувчи мамлакатлар вакиллари ва саммит меҳмонлари иштирокида ўтган навбатдаги музокарада ана шу икки устувор йўналишга алоҳида ургу берилди. Зеро, хавфсизлик орқали ҳамкорликни ривожлантириш, умумий тараққиётга эришиш ташкилотнинг асосий мақсадидир.

Аввало, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кенг қўламли иқтисодий, молиявий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш бўҳрон таъсирини енгиллаштириш ва оқибатларини бартараф этишга ёрдам беради. Айти пайтда бу орқали умумий иқтисодий ривожланиш учун ҳам янги асослар яратилади.

Албатта, ШХТга аъзо ҳар бир давлат ва кузатувчи мамлакат ўртасида муайян даражада икки томонлама муносабатлар қарор топган ва ривожланмоқда. Лекин бу кўп томонлама алоқаларни чекламайди. 2009 йилда ишга тушган «Марказий Осиё — Хитой» газ қувури минтақавий ҳамкорликка яхши мисол бўла олади. Трансафғон транспорт йўлаги ҳам кўп томонлама ҳамкорлик асосида барпо этилмоқда. Бу йўналиш бутун Марказий Осиё давлатлари учун Ҳинд океани бандаргоҳларига йўл очади.

Ўзбекистон Президенти Исломи Каримовнинг ташаббуси билан 2004 йилдаги Тошкент саммитига илк бор Афғонистон раҳбари меҳмон сифатида таклиф қилинган эди. Шундан буён Ҳамид Карзай

ташкilotнинг барча саммитларида қатнашиб келмоқда. Бунинг муҳим томони шундаки, ШХТ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилинар экан, Афғонистон муаммосини четлаб ўтиб бўлмайди. Демак, бундай муҳокамаларда Афғонистон раҳбарининг иштироки муаммони чуқурроқ таҳлил этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш масалаларини теранроқ муҳокама қилиш имконини беради.

Саммитда Қирғизистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчилар Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёрликларини билдирдилар. «Энг муҳими, — деди Исломи Каримов, — ҳуқуқий асосдаги ечимни топиш ва кескинлик ёйилиб кетишининг олдини олишдир».

Мажлисда хавфсизлик масалалари, жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларига қарши биргаликда курашиш муаммолари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ШХТнинг бу галги саммитига Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклиф этилгани ҳам бежиз эмас. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш гоёта муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, Туркманистоннинг коммуникациялари, инфратузилмаси, транзит имкониятлари ШХТ мамлакатлари учун фойдали ресурс бўлиб хизмат қилади.

Томонлар молия муассасалари, банклар, биржалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ахборот алмашувини ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Минтақавий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш мақсадида савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, бизнес субъектлари ўртасида бевосита алоқаларни кенг қўллаб-қувватлаш

ва рағбатлантириш юзасидан фикр алмашилди. Транспорт коммуникациялари, агросаноат, юқори технологиялар соҳаларида сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан экани таъкидланди.

Музокаралар якунида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши ўнинчи мажлисининг декларацияси, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ процедуралари қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ Бош котибининг Ташкилотнинг ўтган йил мобайнидаги фаолиятига оид ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ МАТТ Кенгашининг МАТТнинг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор имзоланди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши ўнинчи мажлиси якунлари тўғрисидаги ахборот қабул қилинди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломи Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШХТга аъзо давлатлар ва кузатувчи мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Президентимиз ШХТ тузилганидан буён ўтган даврдаги бутун фаолиятига баҳо берад экан, Ташкилотнинг очиклик, блокка айланмаслик хусусияти мустаҳкамлашиб бораётганини, минтақавий ва халқаро ривожланишининг долзарб муаммоларини ҳал этишда зиддиятли ёндашувларга йўл қўйилмаётганлигини алоҳида қайд этди.

— Биз кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини, минта-

қавий ва халқаро долзарб муаммоларни атрофлича кўриб чиқдик. Мажлис қатнашчилари Екатеринбург саммитидан Тошкент саммитигача бўлган даврда улкан ишлар амалга оширилганини, жумладан, Ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, самарадорлигини ошириш, тизимли йўлга қўйиш борасида салмоқли натижаларга эришилганини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, Ўзбекистон раислиги даврида БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида 2010 йил апрель ойида Тошкентда БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Ишончим комилки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ШХТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фаолроқ фойдаланиш, жумладан, унинг доирасида ШХТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодаловчи масалаларни биргаликда илгари суриш имконини беради, — деди Исломи Каримов.

ШХТ Бош котиби Муратбек Иманалиев барча иштирокчилар номидан саммит самарали ўтганини таъкидлаб, тadbирлар юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси халқи ва раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди.

— Бугун имзоланган ҳужжатлар — ШХТни ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини ошириш йўлидаги янги қадамдир. Ўзбекистон раислиги даврида қўйилган барча вазифалар тўла бажарилди, — деди Муратбек Иманалиев.

Шу билан ШХТнинг Тошкент саммити якунига етди. У ШХТ тарихидан ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизликни ривожлантириш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида алоҳида ўрин олишига шубҳа йўқ.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Мамлакатимизда Президент Исломи Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида фарзандларимизнинг билим олиши учун барча шароитларни яратиш, энг илгор педагогик технологиялар ва усуллардан фойдаланган ҳолда замонавий таълим бериш, касбунарга йўналтириш билан бир қаторда уларнинг таътил кунларини мазмунли ташкил қилиш, болаларни соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқувчиларнинг ёзги таътилинини мароқли ўтказиши, дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашда,

уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларида ташкил этиладиган спорт мусобақаларининг аҳамияти катта.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан бу йилги мавсумда ўттиз олти кундузги мактаблар қошидаги ва йигирма шаҳардан ташқаридаги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олувчи ўғил-қизлар ўртасида футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, стол

тениси, армрестлинг, шахмат, шашка сингари кўплаб спорт турлари бўйича ҳамда «Қувноқ стартлар», «Ким эпчилу, ким чаққон?» сингари мусобақалар ўтказилади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали Республика гимнастика федерацияси мутахассислари билан бирга қизлар ўртасида спортнинг нафис турини оммалаштириш мақсадида шу йилнинг апрель ойида пойтахтимиздаги тўрт юздан зиёд мактабгача таълим муассасалари

жисмоний тарбия инструкторлари ва тарбиячиларига бадий гимнастика ва гимнастрадининг бошланғич элементлари бўйича уч кунлик семинар машғулотлари ўтказди. Май ойидан бошлаб Миробод, ҳамза, Сергели, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманларидаги болалар боғчаларида бадий гимнастика ва гимнастрадага жалб этилган тарбияланувчилар ўртасида фестиваллар ташкил этилди. Мазкур тadbирлар ёзда ҳам давом эттирилиб, кундузги мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларида бадий гимнастика секциялари ташкил қилинмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

✓ БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БУЁН ФАН ОЛИМ-ПИАДАСИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛАРИ СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАБ КЕЛМОҚДА. АЛБАТТА, БУНИНГ БИР НЕЧА ОМИЛЛАРИ МАВЖУД.

Бу йилги республика миқёсидаги беллашувда вилоятдан 28 нафар мактаб, 24 нафар академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиси иштирок этди. Қизгин баҳслашувларда 5 нафар умумий ўрта таълим мактабларининг ҳамда 1 нафар Шахрисабз академик лицейи ўқувчиси совринли ўринни эгаллаб, имтиёз асосида муддатидан олдин олий ўқув юрти талабаси бўлди. Вилоят жамоаси умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

Қарши шаҳридаги 18-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқувчиси Рустам Тешабоев математикадан 1-ўринни қўлга киритган бўлса, Деҳқонobod туманидаги 8-мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Хуснидин Нормуродов тожик тили фанидан, Шахрисабз туманидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Кумушбиби Маъмурова она тили ва адабиёт фанидан 2-ўринни, Китоб туманидаги 28-мактаб ўқувчиси Шахноза Усмонова биология фанидан ҳамда Китоб туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Асрор Эргашев давлат ҳуқуқи ва асослари фанидан 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Албатта, ушбу ютуқлар вилоятда ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун барча шароитлар яратилганидан, фидойи ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнатидан далолат беради.

**Курсия ҚҮЛДОШЕВА,
Севин ОЧИЛОВ,
Қашқадарё ВХТБ методистлари**

✓ ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 47-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ИЛК ЁШ ГУРУХ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ "КАСБИМ-ФАХРИМ" ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУМАНДАГИ БАРЧА МТМ ТАРБИЯЧИЛАРИ УЧ ГУРУХГА БЎЛИНГАН ҲОЛДА КАСБИЙ МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.

Танишув, тезкор савол-жавоб, пиктограмма, газета нашр этиш шартлари бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашган мураббийлар танаффусда қувноқ мусиқий чиқишлари билан барчанинг кайфиятини кўтарди.

Танлов натижаларига кўра, "Болажон" гуруҳи 1, "Поклик" гуруҳи 2 ва "Юлдузлар" гуруҳи 3-ўринни эгаллади. Фолиб ва фаол иштирок этган гуруҳ аъзолари туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**З. АҲМЕДОВА,
47-МТМ услубчиси**

✓ АНГРЕН ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ "ОЛТИНЧА" НОМЛИ 22-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА "СОҒЛОМЖОН — ПОЛВОҲЖОН" СПОРТ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. 22, 8, 19 ҲАМДА 43-МТМ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА ЎТКАЗИЛГАН МАЗКУР ТАДБИР БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ АНГРЕН ШАҲАР БЎЛИМИ ВА БОШҚА БИР ҚАТОР ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Эрта тонгдан байрамона руҳда безатилган муассасада давлатимиз мадҳияси садолари остида бошланган тадбир болажонларнинг шўх-шодон кўшиқ ва рақсларига уланди. Беллашувларга старт берилгач, олти йўналишдаги эстафета мусобақаларида жажжи спортчилар меҳмонлар ҳамда ота-оналарнинг олқишлари остида ўзаро куч синашди. Жамоавий эстафета баҳсларида болажонлар бир-бирларига ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш сингари ижобий хислатларни ҳам намоийш этиб бордилар. Жумладан, махсус кубиклар ёрдамида "Уй қуринг" эстафетасида бир жамоа бўлиб баҳсга киришган кичик "қурувчилар" бу ишнинг завқию машаққатларидан илк бор ўйин орқали хабардор бўлдилар.

— Муассасамиз Ангрэн шаҳридаги таянч МТМлардан бири ҳисобланади, — дейди услубчи Муаззамхон Исмоилова. — Шу боис, бу каби тадбирларнинг ўтказилиши доимий анъана тусини олган. Ўйлайманки, бугунги тадбир ҳам болажонларимизнинг бир умр ёдида сақланиб қолади.

Тадбир сўнггида болажонларга ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ва ширинликлар тарқатилди.

МУХБИРИМИЗ

✓ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА БИТИРУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ЖИҲАТДАН ЎЗ ЎРИНЛАРИНИ ТОПИШЛАРИ МАҚСАДИДА БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги бошқарма, корхона ва ташкилотлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, вилоятлар ўрта махсус касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари масъул ходимлари, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва бошқа иш берувчи корхоналар қатнашди.

Ярмаркада қатор натижаларга эришилди. Жумладан, Тошкент давлат аграр университети 2009-2010 ўқув йилида 1056 нафар бакалавр тамомлаётган бўлиб, шундан давлат гранти асосида 377 нафар ва тўлов-контракт асосида 679 нафар битирувчиларнинг барчаси иш билан таъминланганидан бўлди. Магистратура мутахассислигини эса 153 нафар мутахассис, шундан 75 нафари давлат гранти асосида, 78 нафари эса тўлов-контракт асосида тамомлаётган бўлиб, ушбу мутахассисларнинг барчаси илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қишлоқ хўжалиги соҳасига ва республикамизнинг турли вилоятларидаги касб-хунар коллежларига агроинженерия ва агрономия касб таълими йўналиши бўйича ўқитувчи-педагог бўлиб боришади. Энг муҳими, улар ишга жойлашиш учун шартномалар имзолашди.

Дониёр ҚАРШИЕВ



✓ ХОРО ВИЛОЯТ ҚАЙТАЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА "УСТОЗ-ШОМАКТАБИ" — МЕТОДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА МАЛАКА ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ" МАВЗУСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шаҳар ва туман ХТБ методика кабинети мудирлари ҳамда "Устоз-шогирд мактаби" аъзолари иштирок этган ушбу семинарда вилоят методика маркази раҳбари Ҳ.Ражабзода тўпланганлар эътиборини "Устоз-шогирд" мактабини ташкил этиш, муаммо ва ечимлар ҳусусидаги масалаларга қаратган бўлса, унинг педагоглар малакасини ошириш шакли сифатидаги муҳим жиҳатларига институт проректори Г.Неъматова ўз маърузасида урғу берди.

Шўъба ййгилишларида "Устоз-шогирд" мактабида фаолият юритаётган устоз ва шогирд ўқитувчиларнинг вазифалари, мазкур тажрибанинг аҳамиятини юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Сора ТОШЕВА,
"Ma'rifat" мухбири**

✓ ТАБИАТ РАНГЛАРИДАН ЎЗ ЎРНИДА ФЙДАЛАНА ОЛСАНГИЗ, ЧИНАКАМ САНЪАТ АСАРИ ЯРАТИШНИНГ ИМКОКИНИ ХУДДИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ, АРНАСОЙ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН 20-МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЎХШАБ.

Жажжи рассомлар иштирокидаги «Мафтунок ранглар жило-си» расмлар танлови ота-оналар ва фан ўқитувчилари тақлиф этилди. Мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси Д.Эсонбекова рангларнинг хилма-хиллиги, рангтаъсир ва графика сингари санъат турларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумот берди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — болаларни гўзалликка, ўз тасаввурлари ва ўй-хаёлларини санъат даражасида ифодалашга ўргатишдан иборат эди.

Танлов якунида кўра, манзара йўналишида А.Мусурмонов, рангтаъсир йўналишида А.Босимов ҳамда мўйқалам йўналишида С.Шаҳарбоева биринчи ўринни қўлга киритди.

Намоз ҚАРШИЕВ



✓ ШАХРИСАБЗ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДА ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲЛАРИДА БОЛАЛАРГА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Семинар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, вилоят ДСЭНМ ҳамда касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда Шахрисабз, Китоб ва Яққабот туманларидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, мавжуд тиббий хоналарнинг бўй, вазн ўлчагич асбоблари, музлаткичлар ва бошқа асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан таъминланиши масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази травматолог-ортопед врачлари фавқулодда ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўрилган зарур чоралар тўғрисида гапирдилар. Мавсум давомида "Камолот" ЁИХ, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси, "Камалак" болалар ташкилоти вилоят бўлимлари, ИИБ, даволаш-профилактика муассасалари ҳамкорлигида ташкил этиладиган тадбирлар самарадорлигини ошириш, вилоятда мавжуд 20та болалар стационар оромгоҳларида соғломлаштириш масалаларига эътиборни кучайтириш тўғрисида сўз бориб, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали томонидан оромгоҳларга соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ахборот материаллари, плакат, буклет, эс-латма, қўлланмалар тарқатилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

✓ ҲАР БИР ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ЎЗИДА ҚОНУН УСТУВОР БЎЛИШНИ КЎЗЛАР ЭКАН, АВВАЛО, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ҲАМДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ ВА ТАФАККУРИГА ЖИДДИЙ АҲАМИЯТ ҚАРАТАДИ.

Бу жараёнда ёшларнинг қалбига, вужудига гўдаклик пайтидан бошлаб Ватанга муҳаббат, ўз юртига садоқат туйғуларни билан Ҳамоҳанг равишда одоб-ахлоқ, қонун-қоидалар ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчаларни сингдириб бориш уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Барча ўқув юртларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда ҳуқуқий билимларни, шунингдек, қонунларни ўргатишга бағишланган тадбирлар ўтказилади. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан жойларда мунтазам равишда ёшлар иштирокида семинар, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейнинг мажлислар залида «Усмир ва

қонун» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўйича етакчи маслаҳатчилари, прокуратура, ички ишлар, шунингдек, марказий ва маҳаллий ОАВ вакиллари ҳамда ушбу лицей ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир якунида, ёшларнинг нутқ маданиятини ўстириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи ҳам бугунги кунда муҳим вазифалардан бири эканлиги, ушбу йўналишдаги ишларни ташкиллаштиришда эса Адлия органлари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётгани ҳам иштирокчилар томонидан таъкидланди.

Хулкар РАЖАБОВА

ҲАЙРАТДАН УЙҒОНГАН ҚИЗИҚИШ

Оламшумул ихтиролар асоси бўлиши мумкин

Бўш қолди, дегунча тўқувчилик асбобларини қўлига олишга одатланиб қолган, қаердаки машина кўрса унинг макетини ясаш учун ошиқадиган ёки катталар чиқиндига қўшиб юбормоқчи бўлган яроқсиз буюмлардан кўз кўрса қувонадиган эсдалик совғалари ясайдиган болаларни кўриб, уларнинг ус-

банд бўлиб қолмай, бир-бирларининг ишларига катта аҳамият қаратмоқдалар. Бундан мақсад, ўз фаолиятини янада бойитиш ва камчиликларини кўра билишдан иборат.

Танловда республикамизнинг барча ҳудудларидан турман, вилоят босқичларида голиб бўлган техник тўгарак

ситалардан фойдалана олиш маҳорати, болаларнинг диққатини қай даражада қозона олишини намоиш этди.

Учинчи шарт ҳам анча ҳаяжонли кечди. Ўзлари яратган концепцияни ҳимоя қилиш учун мураббийларга 5 дақиқа берилди. Бу вақт мобайнида улар қанчалик заҳмат ва фурсат талаб этган ўз ихтироларини ҳайъат аъзолари эътиборига ҳавола этиб, бу ишнинг аҳамиятини тушунтириб беришлари керак эди. Навоий вилояти иштирокчиси Сарвиноз Нозимованинг ганчан ясаган макети кўпчилик эътирофига сазовор бўлди. Денгиз, дарёлар суви ичимлик суви бўлгунга қадар қанча ва қандай босқичларни босиб ўтиши акс эттирилган макетни ясаш жараёни мураббийдан катта изланишни талаб этгани кўриниб турарди.

—Бу каби макетларни ясашни ўрганаётган болалар

кўп томонлама билим эгаллашади, — дейди “Бошланғич техник моделлаштириш” тўғараги раҳбари Сарвиноз Нозимова. — Шу макет мисолида оладиган бўлсақ, уни ясаш олдидан ўқувчи аввал денгиз сувининг ичимлик сувига айлантирилиши босқичларини ўрганиб чиқади, кейин макетни ишлаш жараёнида ҳам ундан фантазия, маҳорат, билим талаб этилади.

Фарғоналик “Автомодель” тўғараги мураббийи Абдусид Темурбоев эса ўзи ясаган “Дастлабки автомобиллар макети” ҳақида шундай дейди:

—Буларни ясаш ҳам ўқувчиларни изланишга, фикрлашга ундайди. Машина моделларини ўз-ўзидан ясаб кетавермаймиз. Қайси даврнинг ма-

шиналари қандай бўлганлиги, уларнинг имконият даражаси—тезлиги, мотори, тормози ва бошқа қисмлари қандай бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни излаб топиш бир нечта техникага оид адабиётлар, энциклопедияларни ўқиб чиқишни тақозо этади. Бугун юртимизда автомобиль ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилапти. Тўғарагимизда таҳсил олаётган ўқувчилар келажакда янгидан-янги автомобильларни ихтиро қилиб, бу соҳани янада ривожлантиришга ҳисса қўшадилар, деб ишонамиз.

Мураббийлар беллашуви қизгин баҳс олди. Ҳакамлар ҳайъати уларни баҳолашда нафақат шартлардаги уддабуронликлари, балки тайёрлаган услубий методик ишлари, кўргазмали қуроллари, тўгарак раҳбарларининг ишбилармонлиги ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлай олаётганлиги каби жиҳатларини ҳам инобатга олдилар. Бу шартларда синалаётган мураббийларда эса янги мақсадлар туғилаётган бўлса, ажаб эмас.

Зилола РУСТАМОВА,
“Ma'rifat” мухбири
В.ГРАНКИН олган
суратлар.



тозларига тасаннолар айтгингиз келади. Зеро, у боланинг қўлини хунарга ўргатиб, яратувчи инсонга айлантиради.

Пойтахтимизда айни кунларда ана шундай мураббийлар ўзаро маҳорат ва тажрибаларини ўртоқлашяптилар. Аслида, “Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари” деб номланган кўрик-танловда иштирок этаётган 14 нафар тўгарак раҳбари голибликни қўлга киритиш учун пойтахтга ташриф буюрган. Беллашувларда иштирокчилар ўз маҳоратларини намоиш қилиш мақсади билангина

раҳбарлари қатнашди. 10 июнь кuni иштирокчилар, танловнинг биринчи шартини бажаришга киришди. Унда тўгарак раҳбарларининг билим даражаси тест саволлари орқали синовдан ўтказилди. Эртаси кuni беллашувнинг қолган қисми давом эттирилди. “Камолот” ЁИХ Марказий кенгаши биносида тўгарак раҳбарлари амалий машғулотлар орқали синовдан ўтди. Яъни, мураббийлар 15 дақиқа вақт ичида қисқа дарс ўтиб беришди. Унда ҳар бир иштирокчи ўзининг иш услуби, илғор педагогик во-



“ЗАРАФШОН”ДА МУЖАССАМ БАРИ

Ушбу оромгоҳ вобкентлик ўқувчиларнинг жазирама иссиқ кунларда мириқиб хордиқ чиқарадиган соя-салқин, хушманзара гўшаларидан бири ҳисобланади.

— Жорий йилнинг ёзги таътил кунларида уч мавсум давомида оромгоҳимизда жами 280 нафар ўқувчининг дам олиши кўзда тутилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Ўткир Бобоқулов. — Мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун шароитлар етарли. Чунончи, болалар учун тўрт маҳал овқат ташкил этилган. Замонавий жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланган тиббий хонада дам олувчиларнинг саломатлиги доимий назоратда бўлади.

Оромгоҳдаги шарт-шароитлар билан танишар эканмиз, у ерда стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол, футбол, енгил атлетика сингари спорт тўғарақлари, бичиш-тикиш, қуроқчилик каби хунарга ихтисослашган машғулотлар юқори савияда ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Бадиий китоблар ҳамда газета ва журналларга бой бўлган кутубхона ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун хизмат қилиши табиий. Айниқса, спорт тўғараги раҳбари Иноят Ҳамроев, тарбиячилардан Озода Нуруллаева, Наргиза Зарипова, Дилноза Абдуллаева, Дилнавоз Эшмуродова ташкиллаштираётган спорт мусобақалари, кўрик-танлов ҳамда бадиий кечалар болаларнинг мароқли дам олишини таъминламоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, келажак авлоднинг таътилни мазмунли ўтказиши тумандаги саховатпеша инсонларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ. «Ҳожиёв Тўрабобо» фермер хўжалигининг беминнат ёрдами тўғрисида оромгоҳ тарбияланувчилари вилоятимиз ҳудудидagi тарихий обидаларга саёҳат уюштирмоқда.

С. ТОШЕВА,
Бухоро вилояти

Ёзги оромгоҳлар болалар билан гавжумлашиб бормоқда. Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган “Меҳрибонлик” оромгоҳи ҳам ўтган кuni бир гуруҳ болаларни кутиб олди. Оромгоҳда 10 июндан 29 июнгача Навоий, Самарқанд, Тошкент шаҳри ва вилоятларида жойлашган Меҳрибонлик уйларида 260 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқариши кўзда тутилган.

Масканда болажонларнинг дам олишлари учун спорт майдончалари, сув ҳавзалари, кутубхона, шунингдек, таълимни давом эттиришлари учун қатор тўгараклар ташкил этилди. Болалар ўз қизи-



ЧИНИҚИШ, ДЎСТАЛАШИШ, ЎРГАНИШ

оромгоҳда барчаси амалга ошади



қишларига биноан рассомчилик, ганчкорлик ва бошқа спорт йўналишидаги тўгаракларга аъзо бўлишга шошиладилар. Оромгоҳ нафақат уларнинг хордиқ чиқаришларига, балки кўплаб дўстлар орттиришлари, янги билимларни ўзлаштиришлари, сўлим Бўстонлик тоғларининг тоза ҳавоси, кўм-кўк табиати, маъданли сувларидан баҳраманд бўлиб тетик ва янада соғлом бўлишларига имкон яратади. У ердаги жўшқин муҳитни кузатар эканмиз, ёзги таътил болалар учун мароқли ва фойдали ўтишига амин бўлдик.

В. ГРАНКИН олган суратлар

Ёзги таътил — болаларнинг мириқиб дам олиш, сарфланган кучларни тиклаш, ўзларидаги ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш ҳамда юзага чиқариш вақти. Бунда ёзги оромгоҳлар, айниқса, уларда ўтказиладиган турли қизиқарли тадбирлар, учрашув ва танловларнинг аҳамияти катта.

Бухоро вилояти мак-

ташгулотлар ташкил этиш борасида тажрибали етакчи ва тарбиячиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратдик.

2010 йил ёзги дам олиш мавсумида таълим ва фан ходимларининг фарзандлари учун 55та мактаб қошида ва 2та шаҳар чеккасида жойлашган оромгоҳ, вилоят миқёсида эса 80та мактаб тасарруфи-

ЯХШИ ДАМ — МУКАММАЛ БИЛИМГА АСОС

Yozgi ta'til

Бектемир туманидаги 289-мактаб қошида ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиши учун “Қалдирғоч” соғломлаштириш оромгоҳи очилди.

Бу ерда 200 нафарга яқин болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари мароқли ҳордиқ чиқариб, навбатдаги ўқув йилига тайёргарлик кўради.

“Миллий каштачилик”, “Хорижий тиллар”, “Компьютер саводхонлиги”, “Бадий гимнастика”, “Шахмат-шашка”, “Саргарошлик” каби ўндан-ортиқ тўғарақда ўқув-

чилар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга касб-хунар сирларини ҳам ўрганадилар, жисмонан чиниқадилар. Шунингдек, китобхонлик даражасини ошириш учун мактаб кутубхонасига обуна бўлиб, турли бадий ва ўқув адабиётларини мутолаа қилиш имконияти яратилган.

— Мавсум давомида тўғарақларда иштирок этаётган болалар алоҳида-алоҳида кўргазмалар ташкил этади, — дейди илм маскани директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича



ўринбосари М.Мирзабоева. — Соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросимида “Эртақлар — яхшиликка етаклар” мавзусида китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди. Болалар ушбу кўргазмадан олам-олам таассурот олганликларини таъкидлашди.

Ҳозирда дам олувчилар “Мен севган қахрамон” мавзусида бўлиб ўтадиган расмлар танловида тайёргарлик кўрмоқда. Унда болалар ўз севган эртақ қахрамонларининг расмини чизиб, шу ор-

қали қахрамонлари образини саҳнада ҳам гавдалантирадилар. Соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган қизлар бадий гимнастикага катта қизиқиш билан қатнашмоқда.

Бу каби оромгоҳларда мазмунли ҳордиқ чиқарган болажонлар янги ўқув йилида катта иштиёқ билан билим олишга киришиши, шубҳасиз.

Замира АЗИМБоева, ТШХТББ методисти

Суратларда: мактаб оромгоҳидан лавҳалар акс этган.

ОРОМГОҲЛАРДА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

таб ўқувчиларининг бу йилги дам олиш мавсуми қандай ташкил этилаётгани, оромгоҳларда бошлаб юборилган ишлар билан қизиққанимизда, таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси кенгаши ижтимоий сугурта бўлими бошлиғи Шохиста Бобоева куйидагиларни гапириб берди:

— «Баркамол авлод йили»да ёш авлодни соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялаш, уларнинг дам олиш кунларини кўнглидагидек ва самарали ташкил этиш юзасидан каттагина тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Болаларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, улардаги инсонийлик хислатларини шакллантиришга хизмат қилувчи қизиқарли

даги ва 18та шаҳар чеккасидаги оромгоҳ иш бошлади. Мавсум давомида мактаб тасарруфидаги оромгоҳларда 10 минг 250 нафар, шаҳар чеккасидаги оромгоҳларда эса 6 минг 200 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган.

Оромгоҳлар 3 мавсумга мўлжалланган бўлиб, мавжуд йўлланмаларнинг 10 фоизи кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул тарқатилади. Демак, таълим ва фан тармоғига қарашли кам таъминланган оилалар фарзандларининг 745 нафари мактаб тасарруфидаги, 53 нафари шаҳар чеккасидаги оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқариш имкониятига эга.

С.ТОШЕВА



Янги педагогик технологияларнинг афзал томони шундаки, у ўқувчини ҳам, устозни ҳам мудом ҳаракатда, изланишда бўлишга ундайди. Бу вазибалар гуруҳлараро беллашувлар, ақлий ҳужум ва интерфаол услублар, конференция дарслари орқали амалга оширилади.

— Таълим-тарбия жараёнида билим берувчи ва олувчилар муносабатидаги демократик муҳитнинг аҳамияти катта. Бунда ўқитувчи мавқеига ҳурмат билан қараш, шакл, мазмун ва технологияларга нисбатан янгича ёндашув юзага келади, — дейди Каттақўрғон туманидаги 35-мактаб директори Нигора Қаюмова. — Бундай ёндашувда, энг аввало, ўқитувчи ўқувчи ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартириш талаб этилади. Таълимнинг барча шаклларида асосан ўқитувчи фаолиятига таянилади. Ўқитувчи билим берувчи эмас, балки психологик-педагогик жиҳатдан ўқувчиларни қўллаб-қувватловчи кишига айланиши зарур.

Олиб борилаётган шу каби ички ислохотлар мактаб ҳаётига аста-секин ўз таъсирини ўтказа бошлади. Ўқувчилар фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритаяптилар. Бош-

ТЕНГДОШ ИБРАТИ ТАЪСИРИ

у таълим самарадорлиги ошишига ҳисса кўшди

ланғич синф ўқувчиларининг она тили ва математика дафтарларини кўрган киши, ўқитувчилардан бирортаси ёзган бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Аммо синфларга кириб, ўқувчиларни бирма-бир ёздириб кўрсангиз, уларнинг бир хил ҳуснихат эгаси эканлигига гувоҳ бўласиз.

Бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудир, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси О.Ҳамроеванинг ташаббуси ва ҳаракатлари билан барча бошланғич синф ўқувчилари чиройли, хатосиз ва бир хил кўринишда ёзадиган бўлди. Албатта, бу айтишга осон. Мактабга илк қадам қўйган ўқувчининг саводини чиқариш жуда катта меҳнат талаб этади. Уларнинг бир хил ёзувда хат битишини таъминлаш ва унга эришиш учун меҳнатдан ташқари сабр-тоқат ҳам керак.

Ҳар бир корхона-ташкilot ёки муассасадаги ўсиш-ўзгариш, юксалиш шу ташкilot раҳбарининг қай даражада тадбиркорлигига, раҳбарлик маънавияти, таш-

килотчилигига, ортидан одамларни эргаштира билишига боғлиқ. Мактаб директори Нигора Қаюмова ушбу билим масканида ўз фаолиятини бошлаганига ҳали унчалик кўп бўлгани йўқ. Аммо мана шу қисқа вақт унинг жамоада ҳурмат-эътибор қозониши учун старли бўлди. Ишни тар-

Ilg'or tajriba

тиб ва қатъий интизомдан бошлаган раҳбар ўқитувчилардан сифатли ва самарали дарс талаб қилди. Уларни ўз устиларида ишлашга чорлади. Замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланишлари учун имконият яратиб берилди. Энг муҳими, маълум бир натижаларни қўлга киритган педагогларни рағбатлантириш адолатли тарзда ташкил этилди. Айни дамда 41 нафар ўқитувчи эришган ютуқларига яраша ойликларига қўшимча равишда устатама ҳақ олади.

Математика фанидан мактаб бўйича ўртача самара-

дорлик ўтган йили 80 фоизни ташкил қилган бўлса, ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари, изланишлари, фан ойликларидеги тадбирлар натижасида бу йил айнан мана шу фандан ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштириш сифат самарадорлиги 85 фоизга етди. Бу ҳолатни бошқа фанларда ҳам кузатишимиз мумкин. Ўтган йили физика фанидан 78 фоиз бўлса, бу йил 85 фоизга етди. Тарихдан ўтган йили 80 фоиз бўлса, бу йилги кўрсаткичлар янада ошди.

2010 йил — «Баркамол авлод йили» муносабати билан мактабда аълочи, билимли ўқувчилардан таркиб топган “Тез ёрдам гуруҳи” фаолият бошлади. Ушбу гуруҳ аъзолари фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўзлаштириши паст бўлган болалар билан ишлайди, биргаликда машқ қилади. Энг муҳими, синфдошлари ва устозлари ёрдами билан бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар фаолларга тенглашиб олишади.

Мактабда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини

мазмунли ташкил этиш намунали йўлга қўйилган. Ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида физика, математика, кимё, тарих фанларидан, шунингдек, ҳайкалтарошлик, рассомлик, мусиқа, каштачилик, гулчилик, шеърят, шахмат-шашка, футбол, каратэ, стол тенниси, баскетбол, волейбол, қўл тўпи ҳамда енгил атлетика бўйича тўғарақлар фаолият олиб бораётир. Хусусан, каратэ тўғараги аъзоларидан 5-синф ўқувчиси Анвар Низомов, 9-синф ўқувчилари Аббос Барноев, Сардор Султонов ҳамда Л.Ҳ. чин Сафаров республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Мактабда 39та синф бўлиб, ўқув йили давомида ойда икки марта иккита синф ўқувчилари томонидан китоб тақдимотлари ўтказилди. Тақдимотда барча ўқувчилар иштирок этишади. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, ҳар бир ўқувчи йил давомида 39та китоб билан танишади, шу китобни ўқиб чиқди.

2009-2010 ўқув йилини муваффақиятли яқунлаган мактаб педагогик жамоаси таълим-тарбия жараёнини таҳлил қилиб, келгуси ўқув йили учун истиқболдаги вазибаларни белгилаб олишга киришди.

Ҳаким Жўраев, “Ma'rifat” мухбири

Дутор навоси тиниб, танбур нола қилади. Бунчалар ёқимли бўлмаса бу оҳанг? Хали мусиқанинг сирли ва сеҳрли оламидан хабардор бўлмаса-да, чолғу асбобларидан таралгучи садодан мутаассир қизалоқнинг бутун вужуди қулоққа айланади. Уйлари мусиқа мактабига бир қадам. Қўшнилари Хусниддин Асомов ана шу даргоҳда ишлар, беш яшар қизгинанинг мусиқага қизиқишини сезиб, уни баъзан ўша ерга етаклаб кетарди. Хусниддин аканинг машғулотларига кириб олган Зиёда мусиқа асбобларига ҳайрат билан қарарди. Қўшни амаки ёш санъат шинавандаларига миллий чолғу асбоблари—рубоб, танбур, дуторда куй чалишни ўргатарди. Зиёда болаларча нигоҳи билан устозни кузатар, турли оҳанг таратаётган чолғу асбоблари унинг учун гўёки мўъжиза эди.

... Болаликда уйғонган ҳавас шакллана ва сайқаллана бориб, кейинчалик мақсадга айланди. Раҳматли отаси Баҳром Зокиров ва онаси Мавжуда Нортожиева ғамхўрлигида, дастлаб мактабда, сўнгра Юнус Ражабий номидаги мусиқа билим юрти, педагогика университетида эгаллаган билимлари натижасида Зиёда Ишмуродова етук мутахассисга айланди. Энг катта ютуғи — шу йил «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида биринчи ўринга сазовор бўлди. У ҳозир Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида мусиқа фанидан сабоқ бермоқда.

— Мусиқа таълими ҳам ўқитувчидан ўз устида ишлашни, кўшимча адабиётлар ўқишни талаб қилади. радиоси орқали бериладиган «Барҳаёт наволар», «Оҳанрабо», «Тараннум» кўрсатув ва эшиттиришларини мунтазам

муаллима 6-синф ўқувчиларини Юнус Ражабий уй-музейга бошлаб келди. «Шашмақом» — мумтоз мусиқамиз асоси» мавзуси бўйича саёҳат дарсини ана шу уй-музейда ўтказиш ташаббусини мактаб раҳбари ҳам, методбирлашма аъзолари ҳам, ўқувчилари ҳам маъқуллади.

Уларни таниқли халқ хофизини Хасан Ражабий кутиб олди. Дарсга пухта тайёргарлик кўрган ўқувчилар хофиз томонидан берилган «Шашмақом»га доир саволларнинг барчасига бурро-бурро жавоб қайтаришди. Музейдаги буюк бастакор фойдаланган буюмлар, мусиқа асбоблари, китоблар, «Шашмақом»нинг яратилиши бўйича Хасан Ражабий берган кўплаб маълумотлар нафақат болаларга, айна пайтда муаллиманинг ўзи учун ҳам янгилик бўлди. Мезбон уларга бебаҳо мусиқий асар акс этган дискни совға қилди.

— Ўқув жараёни давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилади. Табиийки, ўқитувчи ўқувчи-

Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi



та бўлар экан. Мусиқани математика, она тили ва адабиёт, тарих, география, тасвирий санъат билан боғлаб ўтганимда, ўқувчиларнинг ДТС бўйича эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалари ортганини кузатганман.

— Ўзингиз ҳам гувоҳсиз: кенг жамоатчиликни ёшларимиз онгига, дунёқарашига Фарб мамлакатларидан кириб келаётган «оммавий маданият»нинг турлича кўринишлари ташвишга солмоқда. Айниқса, оҳан-

Миллий мусиқа — бебаҳо хазина

Сиз бу жараёни қандай ташкил этасиз?

— Мусиқий меросни тубсиз хазинага қиёслашганда, унга қанча яқинлашсангиз, шунча маънавий юксаласиз. Бошланғич синфларни тугатиб, 5-синфга ўтган болалардан биринчи дарсимдаёқ «Мусиқа нима?» деб сўрайман. Қани, уларнинг мусиқага муносабати қандай? Шунда уларнинг баъзилари «Бу — она алласи» деб жавоб беришади. Хурсанд бўлман, чунки она алласидек жозибадор оҳанг йўқ, уни ҳеч нарсага менгзаб ҳам, тенглаб ҳам бўлмайди.

Ўқувчи сиздан кўп нарсани кутади. Ўзингиз билмай туриб, унга ўргата олмайсиз. Ўтмишда яшаган бастакорлар ҳаёти, ижодини, улар қолдирган мусиқий асарларни ўрганишга ҳаракат қиламан. Миллий мусиқа мактабини яратиб кетган, унинг хазинасини маржондек тузган Юнус Ражабий ҳаётини жуда катта маъно топганман. «Шашмақом» асари мазмун-мундарижасини ўрганиш асосида ўзим ҳам мақом йўлидаги «Муножот», «Соқийномаи баёт», «Ушшоқ», «Соқийномаи савти калон» ашулаларини хиргойи қиламан. Уйимда дуторим бор, чалиб тураман. Фортепианода ўзбек халқ куйлари — «Анджон полкаси», «Норин-норин», «Дилхирож», «Жонон»ни чалсам, фарзандларим бериб тинглашади.

Бисотимда ўзбек мумтоз ашулачилигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган таниқли созандалар ижросидаги мақом санъати намуналари ёзиб олинган аудиокассета ва грампластинкалар бор. Буларни мумтоз ашулачилик мавзусини ўтганда, ўқувчиларим эътиборига ҳавола этаман. Ўзбекистон телевидениеси ва

кузатиб бораман. Ҳар сафар улардан янгилик оламан.

— Ўқитувчининг муваффақияти у ишлайдиган жамоадаги муҳитга, шарт-шароитга боғлиқ. Сиз меҳнат қилаётган таълим даргоҳида мусиқа фани кабинетини жиҳозлаш, кўргазмалар воситалар билан бойитиш бўйича амалга ошириладиган ишларга тўхталиб ўтсангиз.

— Мактабимиз тумандаги энг катта таълим даргоҳларидан бири — ўқувчилар сони 2500дан зиёд. Мусиқа фани 5, 6, 7-синфларда ҳафтасига бир соатдан ўтилади. Мактабимиз мусиқа таълими хонасида чанг, дутор, тор, афғон рубоби, най, фортепьяно каби чолғу асбоблари бор. Ўқувчилар уларни чалиб, нота ва оҳанг орасидаги боғлиқликни дарс жараёнида англаб борадилар. Ўзбек мусиқа санъатининг буюк сиймолари портрети ҳам мусиқа хонасидан ўрин олган.

Кейинги йилларда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш учун карточкалар ўрнига мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланаялман. Бу усул вақтни тежайди, қисқа дақиқада ўқувчи слайддан узатилган саволларга жавоб қайтариши мумкин. Мактабимиз қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказида 11та компьютер бор. Ҳар ойда ҳеч бўлмаганда иккита мусиқа дарсини ана шу марказда уюштираман. Айниқса, 7-синф ўқувчилари бундай дарсларни кўпроқ ўтказишимни талаб қилади.

Муаллимнинг кўшимча маълумоти: жорий ўқув йилининг биринчи чорагида, аниқроғи, сентябрь ойи охирида

лар ўзлаштиришида самарадорлик юқори бўлишини истайди. Бунинг учун у нималарга эътибор бериши лозим?

— Давлат таълим стандартларида ўқувчиларга қўйилган талаб бир хил. Ўзлаштиришда юқори самарадорликка эришиш ўқитувчи учун ҳамиша бош мақсад ҳисобланади. Умумтаълим фанлари қаторида турувчи мусиқа ҳам оддийдан мураккабга тамойили асосида ўқитилар экан, ўқув дастуридаги мавзулар тўлиқ ўзлаштирилиши лозим. Мусиқа фанида тинглаш, овоз созлаш, куйлаш, мусиқий саводхонлик, мусиқий ижодкорлик каби талаблар ҳам бор.

Ҳар бир дарс олти қисмдан иборат. 5-синф мусиқа дарслигидаги «Ўзбек халқ чолғулари оркестри ва хор санъати» бўлими биринчи чоракка тўғри келади. 9та дарсдан сўнг ўқувчилар ана шу бўлимга кирган мавзуларни тўлиқ ўзлаштириши лозим. Бунинг учун ҳар бир мавзу якунида уларга оркестр ва хор жамоаси ҳақидаги ребус ва кроссвордлар тузишни уйга вазифа қилиб бераман. Бундай бошқотирмалар орқали мавзунинг она тили билан боғлиқлиги, яъни сўзлар иштироки, уларнинг қайси сўз туркумига мансублиги кўзга ташланади. Ребуснинг шакли геометрия ёки тасвирий санъат фанидаги элементларни уларга эслатади.

Тажрибаларим шундай хулоса берди: болага бир хил шаклдаги дарсни ҳавола этаверсангиз, у бу фандан бешиб қолади. Бошқа фанлар билан уйғунлаштирилган тарзда ўтилган дарсларнинг аҳамияти кат-

Қахрамонимизнинг бу мулоҳазасини ҳамкасби, Халқ таълими аълочиси Мавжуда Шониезова тўлдирди:

— 5-синфларда математикадан мустақил назорат иши ўтказадиган кунларим эди. Зиёда ҳам келиб шундай деди: «Мавжуда опа, аниқ фанларнинг ўзлаштирилишига мусиқа қандай таъсир кўрсатар экан, эксперимент ўтказиб кўрсак, нима дейсиз?». Таклиф менга маъқул келди. 5-«А» синф ўқувчиларидан назорат иши олинадиган кун Моцарт, Бах, Гайдн асарлари дарс мобайнида паст овозда қўйилди. 5-«Б» синфига эса мусиқа қўйилмади. Мақсад ушбу эксперимент орқали ўқувчилар ўзлаштириш даражасини солиштириш эди. Олинган натижа Зиёдани ҳам, мени янада кўпроқ қувонтирди: мусиқа тинглаб назорат иши ёзган синфда ўзлаштириш юқори бўлди.

— Анъанавий тус олган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида иштирок этиш сизга нима берди?

— Кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритгач, бироз хавотирга тушдим. 14та худуддан келган ўқувчиларга ўз илғор иш тажрибамизни тўлиқ кўрсатиш фикри менга тинчлик бермасди. Қорақалпоғистонлик ўқитувчи Артиқбай Ережеповнинг халқ достонларидан парчани жонли ижро этиши, Жиззах вилоятидан келган ҳамкасбим Рўзиқул Худойназаровнинг ўз касбий маҳоратини аъло даражада кўрсата олиши, Тошкент вилояти иштирокчиси Дилфуза Орипованинг дарс дақиқаларини тўғри тақсимлашига тан бердик.

гида шовқин-сурон устувор, беҳаёлик, кўркун ва зўравонликни тарғиб-ташвиқ этувчи мусиқа ва кино «асар»ларининг ёшларимиз онгини маҳв этишига кузатувчи бўлиб туришимиз мумкин эмас.

— Енгил-елпи қўшиқлар ва бемаза клипларни фарзандларимиз қабул қилишаётганига биз катталар айбдоримиз. Миллий қўшиқчилигимиз, дунёвий маданиятнинг азалийлиги ҳақида уларга илқ болалик давриданоқ тушунча бермаймиз. Жамоатчилик жойлари — кўча-кўй, автобус, умумий овқатланиш шохобчаларида худди ана шу нуқсонимизни қўллаб-қувватлагандек, миллийлигимизга зид бўлган қўшиқ ва мусиқалар қўйилса, кимни айблашимиз керак? Бунинг учун уларни эмас, балки шундай мусиқий асарни тақдим этаётган автобус ҳайдовчиларини, умумий овқатланиш шохобчалари ходимларини, ана шундай маҳсулотларни тақдим этаётган ижодий жамоаларни айблаш лозим.

Минг афсуски, айрим ўқувчиларим ҳам жазавага солувчи, маъно-мазмунли саёз қўшиқларни тинглайди. Шунда уларга «Муножот», «Тановар», «Дилхирож», «Лазги», «Анджон полкаси» каби ўзбек халқ куйларини қўйиб бераман. Болалар бир дақиқа тинглаб туришади, сўнгра бошларини беихтиёр гоҳ чап, гоҳ ўнг тарафга қимирлата бошлайдилар. Кўринадики, бу куйлар уларга ёқади. Демак, болага асл санъат ва мусиқа ҳақида ўз вақтида етарлича тушунча берсак, унинг ўзи хулоса чиқара олади.

Хулқар ТҲИМАНОВА суҳбатлашди.

ТОШҶОҚЛАР

ота-боболаримиз улардан минг йиллар олдин фойдаланишган

Азалдан ота-боболаримиз томонидан бунёд этилган меҳнат қуролилари, иморат ва иншоотлар ниҳоятда бежиримлиги, ақл-фаросат билан қурилганлиги билан бугунги кун олимларини ҳайратга солиб келмоқда.

Ўрта Осиёда уй-жой қурилиши қолдиқларининг энг қадимгилари, асосан, янги тош (неолит) даврига оид бўлиб, Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятлари тадқиқотчилар томонидан яхши ўрганилган.

Ўша даврда уй-жойлар, асосан, гувала, хом гишт ва пахсадан қурилган.

Аждодларимиз томонидан илк маротаба иситиш ва овқат пишириш ўчоқлари ҳам ўша давр кашфиётларидан саналган. Ўчоқлар хона қурилишига мутаносиб меъморий услубда қурилган. Археология фанида ўчоқлар илк тош дав-

Moziydan sado



ридан бошлаб пайдо бўлганлиги маълум. Лекин бу пайтда ўчоқлар меъморий услубда бўлмай, одамлар текис ерларга гулхан ёқиб, атрофида айлана тарзда ўтириб исинишган. Тошўчоқлар эса, асосан, хона деворларига яқин қурилиб, мўри-дудхоналари бўлган. Ўрта Осиё ҳудудида илк тошўчоқларни эслатувчи қурилмалар Жанубий Туркманистоннинг Жойтун маданияти неолит даврига оид ёдгорликларида учрайди. Улар хона деворлари бурчакларида жойлашган, устки қисмдаги мўриси хом гишглрдан тикланган.

Хона девори орасига қурилган тошўчоқлар Ўзбекистоннинг жанубидаги Сополли маданияти ёдгорликларида учрайди. Ушбу ўчоқларнинг вазифаси хусусида олимларимиз турлича фикр билдириб келишмоқда. А.Асқаров, Т.Ширинов ушбу типдаги ўчоқлардан аждодларимиз фақат хона иситиш учун фойдаланишган, деган фикрни илгари сурган бўлса, О.Бердиевнинг фикри биров бошқачароқ; худди шундай ўчоқлар хона иситиш билан бирга овқат пиширишга ҳам мўлжалланган.

Тошўчоқларнинг қурилиши ва архитектураси жуда мураккаб. Уни қуриш учун меъмордан жуда катта тажриба ва усталик маҳорати талаб қилинган. Уларнинг мўриси ҳам хона девори орасидан чиқиб кетган. Бу — хона дудга тўлишининг олдини олган. Сополли маданиятидан топилган тошўчоқлар ўзининг ноёб шаклдалиги ва тўлиқ сақланиб келганлиги билан милоддан аввалги II мингйилликларнинг иккинчи чорагидаги жез даври ижтимоий ҳаёт тарзидан дарак беради.

Ушбу мингйилликда тошўчоқлар ўша хонадоннинг ўзига тўқлиги ва жамоада нуфузи баландлигидан далолат берган. Ушбу ўчоқларнинг тарҳи, шакл, услуби олдиндан пухта ишланган жез даври архитектураси аъналарини ифодалайди. Бу ўша пайтларда яшаган аҳоли турмуш тарзи ривожланишининг анча юқори бўлганидан даракдир.

Комил РАҲИМОВ,
Ўз ФА археология
институтини илмий ходими

«Энг яқин йўл — кўнгил билан кўнгил орасидаги йўл» деган ҳикмат бор. Ўйчан шоира ва ҳассос адиба Замира Эгамбердиевнинг энг муҳим хислати ҳам у битган энг яхши асарларнинг юрак эҳтиёжи билан яратилганидир. Замиранинг барча етук асарларида унинг ҳамиша бедор қалби уриб турганини ҳис қиласиз.

Замира, аввало, ижодда ўз ўрнини топиб олган, камтарона бўлса-да, шеърятда ўз овози бор шоира эди. Бу ҳақда унинг устози Мукаррама Муродова шундай деб ёзганди: «Замиранинг ижодида унинг тенгдошлари шеърларидаги каби фавқуллодда топилмалар, ярак-юрак образлар шодаси тизилиб ётгани йўқ. Вазнда ҳам, шеърини услубда ҳам ногаҳон қайрилишлар учрамайди... Замиранинг шеърлари қувончли кунларингизда беихтиёр шивирлайдиган «ўз гапларингиз».

Чиндан ҳам, қалб эҳтиёжи билан кўнгилдан ёзилган Замира шеърлари, шоиранинг ўзиники каби — тоза, беғубор кўнгиллардан жой олувчи асарлардир. Унинг шеърлари ёлгон, носамимий туйғулар, сохта баландпарвозликлардан бегона, шоира қалби нимани буюрса — шунини қаламга олади. Унинг шеърлари — Замира кўнглининг самимий изҳорларидир.

Замира Эгамбердиева ёш қаламкашлар тарбияси билан астойдил шуғулланиб, кўп шоиру шоира, адибу журналистларни ижод сирларига ошно қилди. Ўзи ҳам республикамизнинг етакчи (ҳозирги «Туркистон», «Ўзбекистон овози») газеталарида даврнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиққан ҳароратли публицистик мақолалар битди...

Куйида Замира Эгамбердиевнинг ҳаёт, инсон ҳақидаги ўй-фикрларидан намуналар ўқийсиз.

Маҳмуд САЪДИЙ

Мен биров билан ёвлашсам, ўчни ҳам ўзимдан оламан, мукофотни ҳам ўзимга бераман. Бу курашдан рақибим ҳеч нарса йўқотмайди ҳам, топмайди ҳам!

Атиргулларга ҳайронман: кесганинг сари шохлаб кетади. Кесмасанг, гунчаламайди ҳам.

Iqtibos



Шеър ёзиш ҳам, мақола ёзиш ҳам деярли бир хил жараён. Фақат шеър юракнинг зарби билан, мақола эса миянинг ҳаракати билан дунёга келади. Фарқ — шунда!

Бекорчилик энг оғир бахтсизликдир. Чунки унда бахт ҳақида ўйлашга имконият туғилади.

КўНГИЛДИН КўЧИРМАЛАР

Кувончлар қушларга ўхшайди. Ногаҳон кўнглингга кўнадию, тезроқ учиб кетсам, дейди. Ташвишлар эса гўё харсангтошлардек юрагининг туб-тубига чўкади. Уларни ҳадеганда силжитиб бўлмайди.

Оёқлар қанча юк кўтармасин, барибир, юрак кўтарган нарсаларни кўтаришга қодир эмас.

Мен ҳамиша ўзгаларнинг кўнглини олиш савоб экани ҳақида ўйлайман. Қизиқ, агар одам ўз кўнглини ўзи кўтаришга ҳаракат қилса, буниям савоб десак бўлармикан?

Ёмон кўрган кишингизга худди беморга қарагандек қаранг. Шунда ўзингизга анча енгил бўлади.

Чарчашда ҳам бир мазмун бўлиши керак. Шунда бу жараён осонроқ кечади. Беҳудадан беҳудага чарчаш ёмон...

Кувончлардан кўра ҳасратларим кўнгилга яқинроқ. Шунинг учун ҳам мен уларни сиздан қизганиман.

Аёл шундай зотки, унинг руҳида маъюсликка табиий бир эҳтиёж мавжуд. У ҳар қандай даврда, ҳар қандай шароитда ўзи учун изтироблар, муаммолар кашф қилишга қодирдир.

Назаримда, шеър ўт билан сув орасидаги жараёндир. Ҳар ҳолда, мен ҳамиша шунақа шароитда ёзаман.

Ҳаёт, барибир, яхши. Заррача илинжим қолмади деганингизда ҳам, ҳеч бўлмаса, яхши бир туш кўриб ёки чанқаган пайтингизда бир пиёла муздек сув симириб, роҳатланишингиз мумкин.



Биров сенга муҳаббат изҳор қилса, сен уни қабул қилмасанг ҳам жаҳлинг чиқмасин. Сени севсалар, ёмонми?

Илгарилари ташвишлар мени писанд қилмасди. Ҳозир эса, ўзим уларнинг ёнидан зувиллаб ўтиб кетадиган бўлиб қолдим. Қайтар дунё деганлари шудир-да!..

Ҳар бир кишининг қалбида ўзгалардангина эмас, ўзидан ҳам қизганидиган сирлари, ошкор этиш у ёқда турсин, ўзи ҳам тан

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

олишни истамайдиган ҳақиқатлари бўлади.

Одамзод улғайгани сари унинг қалби ҳам катталашаркан. Демак, ён беришлар, кечиримлар учун ҳам жой кўпроқ қолади.

Дўстлик севгига айланиши мумкин, аммо севги қайтадан дўстликка айланолмайди, гўё олов бошқатдан ўтин бўлолмаганидек...

Узундан-узун масофалар ҳам одамларни бир-бирларига яқинлаштириш учун хизмат қиларкан.

Баъзилар эртадан—кечгача ҳасрат қилса-да, унга қилча ҳам ачинмайсиз. Айримлар кулиб турса-да, юраги тўла дард эканини ҳис қилиб, беихтиёр қийналасиз. Шеър ўша жилмайиб турган дардчил одамга ўхшайди.

Кечиккан муҳаббат — тақдир ва у кечиккани учун ҳам қадрлидир. Ва яна кечиккани учун ҳам умри узунроқ бўлади. Чунки биз интизор қутилган нарсаларни асраб-авайлашга одатланиб қолганмиз.

Олдиндан отилган тошга нисбатан орқангдан отилгани, барибир, бехатарроқдир.

«Умид ниҳоллари»нинг доимий қатнашчиси

...Бу инсон билан илк бор 2003 йили Хоразм вилоятида ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг республика финал босқичида танишган эдик. Ушанда у киши шахмат бахсларини бош ҳакам сифатида назорат қилиб боргани (суҳбатимиз давомида унинг 2002 йили Фарғона шаҳрида ўтказилган илк бахсларда ҳам ҳакамлик қилгани маълум бўлган).

кераклиги тўғрисида ўйлаб қолди.

Шу кундан эътиборан у воҳада шахмат мактаби очишни ният қилди. Бу орада Нукусда бўлган мусобақаларда Одилбек акани ҳакам сифатида синаб кўрган Ўзбекистон шахмат федерацияси мутасадди раҳбарлари уни Тошкентда ўтадиган бахсларга ҳакамлик қилишга таклиф этишди. Бу ерда у Ўзбекистон шахмати фидойиси, мураббий Мамажон Муҳиддинов билан танишиб қолди.

Мамажон ака ундаги қизиқиш, интилиш ва шахмат мак-

Орадан бироз вақт ўтиб эса, туман халқ таълими бўлимининг «Ёш техниклар маркази» жойлашган бинодаги тўртта бўш хона ажратилиб, «Денов болалар шахмат мактаби» ташкил этилди. Шундай қилиб, Одилбек Азизов раҳбарлигида уч нафар мутахассис мактабма-мактаб юриб, шахматга иштиёқи бор ўғил-қизларни излай бошлашди.

Одилбек ака шахмат ўйинини қишлоқ жойларда оммалаштириш, бу мактабга қишлоқ ёшларини ҳам жалб этиб, тарбиялаш ҳаракатига тушди. Аммо шароит бошқача

Илк ютуқлар қувончи

Таъкидлаш ўринлики, қисқа фурсатда шахмат мактабидан кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқиб, элга танилди. Улардан бири — Адҳам Дониёров Ўзбекистон шахмат федерацияси кубоги соҳиби бўлди.

Ҳозир тумандаги педагогика коллежида таҳсил олаётган Райҳон Дониёрова ҳам шахмат мактабининг умидли аъзоси. У 2006

Bolalar sporti

Ҳали ниятлар мўл...

Спортни ҳаётий эҳтиёж деб билиш, унинг бирор тури билан мунтазам шугулланиш инсондан катта ирода талаб қилади. Бу тушунчани ўзгалар ҳаётига ҳам олиб кириш эса, албатта, осон иш эмас.

1980 йилги ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларида қатнашган қаҳрамонимиз ўша пайтда юртимизда ҳам жа-

ТОЛЕ — ИНТИЛГАННИКИ...

Ушбу шахмат фидойиси билан иккинчи бор Қарши шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2006» спорт ўйинлари республика босқичида, сўнг эса, 2009 йили Сирдарё вилоятида ўтган ўқувчи-ёшлар мусобақаларида яна учрашдик.

Навбатдаги мулоқотимиз Тошкентда, республика шахмат федерациясида юз берди. Бу сафар у Ўзбекистон чемпионатининг 1-лига бахсларида бош ҳакамлик қилаётган эди.

Ушбу шахмат фидойиси, Халқ таълими аълочиси, республика тоифасидаги ҳакам, Ўзбекистон шахмат федерацияси аъзоси — Одилбек Азизов.

1938 йили Термиз шаҳрида туғилган қаҳрамонимиз олий ўқув даргоҳи таълимидан сўнг узоқ йиллар давомида Денов шаҳридаги 78-мактабда ўқитувчи, сўнгра бир неча йил директор бўлиб ишлаган. Бир муддат туман халқ таълими бўлимида ҳам фаолият юритган. Айти пайтда Сурхондарё вилоятидаги Денов шахмат мактаби директори.

Вилоятда ягона мактаб

1996 йили Нукус шаҳрида ўтган шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилигида Сурхондарё вилояти терма жамоасининг мураббийи сифатида қатнашган О.Азизов шогирдларининг 14 жамоа орасида 7-ўринни эгаллаши катта ютуқдир. Бу — бир қарашда у қадар юқори бўлмаган муваффақият саналса-да, мураббий Сурхондарёда шахматни ривожлантириш мумкинлиги ҳамда уни нимадан бошлаш

таби очиш фикрини қўллаб-қувватлади. Уйига таклиф қилиб, шахмат даргаларининг китоблари билан таништирд. Ўзи ёзган китобларнинг бир нечасига дастхат ҳам ёзиб берди.

Шу тариқа орадан бир йил ўтди. Бу вақт мобайнида Одилбек Азизов республика миқёсида кўпгина мусобақаларда ҳакамлик қилгани учун унга Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан шахмат бўйича республика тоифасидаги ҳакам унвони берилди.

Умри, асосан, болалар тарбияси, ўқиш-ўқитиш ва изланишлар билан ўтган Одилбек Азизов бўш вақт топди дегунча, шахмат ўйнарди. Ақлни пешлайдиган ўйинга берилган шогирдлари баъзида қоронғи тушганини ҳам сезмай қолишарди. Ана шундай давраларда ҳамроҳлари «Сиз учун қайси соҳа устун туради: ўқитувчиликми, шахмат?», деб сўраб қолишса, «Ўқитувчилик менинг ҳақиқий касбим. Эл орасидаги ҳурмат-эътиборим шу касбим орқали келган. Шахматда эса таълим-тарбиянинг теран қирраларини кашф этаялман. Ўзим мусобақаларда иштирок этмайман, лекин болаларнинг шахмат назарияси билан танишларини, мактабларда шахмат дарс сифатида ўтилишини орзу қиламан. Ахир, кўпгина мамлакатларда шахмат дарси мактабларда ўтилади. Ҳозир Денов шаҳрида махсус шахмат мактабини очишга ҳаракат қилаялман», — деб жавоб берарди.

Буни қарангки, хайрли ташаббус Денов туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, вилоят ҳокими тасдиғига юборилди.

эди. Денов шаҳри билан айрим қишлоқлар ораси 20-30 қақирим йўл. Қишлоқ одамлари олисдаги шахмат мактабига фарзандларини юборишлари қийин. Бунинг ҳам чораси топилди. «Ҳазорбоғ», «Холчаён», И.Тўраев, С.Раҳимов, Ш.Худойназаров, Ш.Қобилов номидаги фермерлар уюмлари худудидаги қишлоқ мактабларида шахмат гуруҳлари очилди. Қишлоқ мактабларида ишлаётган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ўртасида танлов ўтказилиб, шахмат ўйини сирлари, қоидаларини яхши биладиганлари тўғра раҳбарлигига қабул қилинди.

Бугун Денов болалар шахмат мактабида ақлни пешлайдиган ўйин сирларини ўрганаётган ёшлар сони 240 нафарни ташкил этмоқда.

Болаларга қадимий ўйин сирларини ўргатаётган мутахассисларнинг барчаси тажрибали ўқитувчилар ва биринчи разрядли шахматчилар — Менгбой Алимов, Отабой Шомуродов, мураббий Муқаддас Эшназарова, халқаро тоифадаги спорт устаси Комил Раҳматуллин, шахмат бўйича миллий тоифадаги ҳакам Одилбек Азизов тўғрақларда белгиланган дарс жадвали бўйича ҳафтасига уч кун тўрт соатдан машғул ўтказишмоқда.

Ўтган давр мобайнида бу ерга кўплаб ёшлар келиб, шахмат сирларидан воқиф бўлдилар.

Мактабда тарбияланаётган ёшлар турли мусобақаларга ҳам жалб этилмоқда. Улар туман ва вилоят миқёсида бўладиган турнирларда, чемпионатларда мунтазам равишда қатнашаётгани, бу ёш шахматчиларнинг маҳорати ошиши ва иқтидорлари чархланишига хизмат қилмоқда.



йили 14 ёшли шахматчилар мусобақасида қатнашиб, совриндор бўлди ва Осиё чемпионатида иштирок этди.

Тумандаги 79-мактаб ўқувчиси Бобур Сатторов, 77-мактаб ўқувчиси Аҳрор Абдуғафоров ҳам бир неча мусобақада қатнашиб, мутахассислар назарига тушди.

Деновда шундай мактаб фаолият юритаётганини эшитиб, термизлик иқтидорли шахматчи Ирода Ибрагимова, ангорлик Мафтуна Жонқулова, жарқўрғонлик Умида Абдурахмонова, шўрчилик Умида Абраҳматова келиб, тажрибали мураббийлардан сабоқ олишяпти. Уларнинг эришган натижалари ҳам ёмон эмас: Термиз давлат университети талабаси Ирода Иброҳимова 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати кумуш медали совриндори бўлиб, жаҳон чемпионатида иштирок этган бўлса, Ангор педагогика коллежи ўқувчиси Мафтуна Жонқулова 2009 йилги Ўзбекистон чемпионати олий лигаси бахсларида вилоят шарафини ҳимоя қилди.

хон талабларига жавоб берадиган спорт инфратузилмаси яратилишини чин дилдан орзуланган экан. Суҳбатимиз давомида у шу кунларга етиб келганини, мамлакатимизда замонавий спорт иншоотлари бунёд этилаётганидан кўз қувонишини, эндиги мақсад ушбу кўркам бинолар каби қаддини кўтариб юришга мос спортчиларни тарбиялаш эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

2011 йили Сурхондарё вилоятида ўтадиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг шахмат бахсларида Денов шахмат мактаби тарбияланувчиларининг голиб бўлишини ният қилган Одилбек ака айти пайтда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган шогирдларини ушбу ўйинларга пухта тайёрлашни бошлаган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти билан ҳамкорликда воҳанинг бошқа туманларида ҳам шахмат мактаби филиалини очиб, тўғрақларни янада кўпайтириш, шу орқали мамлакат спорт ҳаётига муносиб улуш қўшишни мақсад қилиб олган Одилбек Азизовнинг кейинги фаолиятига омад тилаймиз.

Шерали НИШОНОВ,
Халқ таълими аълочиси

Шайхонтоҳур туманидаги «Гулбод жавоҳирлари» номли 343-мактабгача таълим муассасасида тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг хайрлашув тадбири бўлиб ўтди. «Унутилмас ширин дамлар» деб номланган ушбу байрамда бу йил мактаб сари қадам кўядиган 70 нафар тарбияланувчи шу пайтга қадар

«УНУТИЛМАС ШИРИН ДАМЛАР»
кичкинтоялар хотирасида бир умр сақланса ажаб эмас

ўрганганларини ота-оналари ва тарбиячиларига гўёки якуний имтиҳон топшираётгандек намойиш этиб беришди.

— Айти пайтда муассасамизда жами 315 нафар кичкинтой таълим-тарбия олмақда, — дейди 12 йилдан буён ушбу муассасага раҳбарлик қилиб келаётган Нигора Акрамхўжаева. — Бугунги байрам тадбирида ҳар бир гуруҳ тарбияланувчилари ўз чиқишлари билан иштирок этишига қарамай, асосан, тайёрлов гуруҳидаги болажонларимиз кўпроқ «мехнат» қилишди. Кўз ўнгимизда ўсиб-улғайган жажжиларнинг мактаб сари ошиқаётган нигоҳларида билим олишга бўлган иштиёқни кўриб хурсанд бўлаялмиз.

Тарбиячи Муҳлиса Ортиқова, мусиқа раҳбари Дилором Муҳиддинованинг ташаб-

буси ҳамда саъй-ҳаракати билан ташкил қилинган ушбу байрам тадбири болаларнинг муассасага илк қадам қўйган кунларидан то мактаб ёшига етгунга қадар олган таълим-тарбия ва билимининг том маънодаги сарҳисоби бўлди десак, адашмаган бўламиз. Хусусан, она табиатни асраш бўйича чиқишлар, турли концерт дастурлари, руҳшунос маслаҳатлари, сахна кўринишлари, шеърлар ва қизиқарли табриклар болажонлар томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Тадбир сўнгида иқтидорли ва намунали тарбияланувчилар фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланишди.

Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар акс этган. Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



ОСМОНЎПАР ФЕРМАЛАР:

Янгича йўналиш, улкан имкониятлар

“Шаҳар фермалари”, “кўп қаватли боғ, полиз ва яйловлар” каби жумлаларни, балки, эшитгандирсиз. Айнан шу билан боғлиқ гоёларни амалга ошириш кўплаб архитекторларга тинчлик бермаётгани, мавзу бўйича қизгин муҳокама қилинган давом этаётгани ҳақида ҳам хабардорсиз эҳтимол.

Айтишларича, бу каби иншоотлар иқтисодий жиҳатдан катта самара келтириши қаторида атроф-муҳит учун ҳам зарарли эмас экан. Демак, бирин-кетин янгидан-янги лойиҳаларнинг яратилаётганини асосли, дейиш мумкин. Масалан, яқинда Канаданинг Ванкувер шаҳрида ташкил этилган “2030 йил учун таклиф” танловида ферма меъморчилиги бўйича ажойиб инновациялар намойиш этилди. Улар орасида мезбонлар вакили — “Romses Architects” компаниясининг иқлим ўзгаришига чидамли, парник газларини камайтиришга хизмат қилувчи кашфиёти муҳлису мутахассислар ҳайратига сабаб бўлди. Нима учун, дейсизми? Саволга жавоб излаймиз.

Унинг номи “Harvest green”. Мақсад эса саноат чикиндилари ҳудуди ўрнида мафтункор иншоот барпо этиш. Бу ерда мева-сабзавот, кўкатлар етиштирилади. Шаффоф ҳавзаларида баликлар сузиб юради. Томидаги ўтлоқда қўй-қўзилар ўтлаб юради, она товуқ ҳўжалари билан насибасини тиради. Мухтасар қилиб айтганда, аср технологияларидан бири 1-расмдагидек кўринишда бўлади.





1-расм: “Harvest green” минораси. Бу фақатгина келажакка хос ва ноодатий қиёфа эмас. У қишлоқ ҳўжалигининг бир неча йўналишини ўзида жамлаган ижод маҳсули. Яна бир ижобий томони (илмий тил билан уни синергетик самара дейишадди) шундаки, бинонинг бир қисмида ҳосил бўлган чиқинди бошқа бўлим учун озуқа манбаи бўлиши назарда тутилган (манба: Romses Architects).

Аслида кичкина майдондан, бунинг устига, шаҳар шароитида катта ҳосил олиш янги фикр эмас. Қолаверса, етиштирилган маҳсулотларни мегаполис бўйлаб тарқатишнинг ўзи бўлмайди. Экин ва чорва майдонини тўлиқ автоматлаштириш, уни энг илғор энергетика манбалари билан таъминлаш ҳамда тозаланиш сақлаб қолиш ҳам ўзига яраша мураккабликларга эга. Яна бир муаммо ўсимлик ва жониворларни касаллик, зараркундалар ҳужумидан муҳофаза этиш билан боғлиқ. Эки бўлмаса, бир пайтлари илгари сурилган вертикал ферма ва уй ҳайвонлари шаҳри тўғрисидаги гоёни эслаб кўрайлик. Ўшанда “яшил” технологияларнинг гултоғига айланиши мақсад қилинган мазкур кўп қаватли бино тасвирлари фақатгина қорозларда қолиб кетганди.


— Хулоса чиқаришга шошилман маъқул, — дейди ўз гоёси уфқларида ёруғ нур кўраётган канадалик олимлар. — Боиси, олдинги муваффақиятсизликлар ҳақида гап кетганда, улардан шун-

чаки ишни олға силжитиш учун керакли хулоса чиқариш лозим.



2-расм: бино томлари ва очик айвонлардаги турли ўлчамли шамол тегирилари, ёмғир сувини йиғиш тизими ва геотермал электростанция орзулар ушалишига асос бўлади. Қолаверса, бинонинг “ўсимликлар” ва “ҳайвонлар” секторидан ажралиб чиқадиган яна бир қувват манбаи — биогаздан унумли фойдаланиш ҳам йўлга қўйилганини эътибордан четда қолдирмаслик зарур (манба: Romses Architects).

Компания томонидан таклиф этилаётган архитектура намунаси таркибидан тураржойлар, бозор ва супермаркет, илмий-тадқиқот ҳамда ўқув маркази жой олгани ҳам диққатга сазовор. Мазкур мажмуа 2030 йилгача қад ростлаши мўлжалланган. “Флора ва фаунанинг маданий турларини парваришлаш, истеъмол маҳсулотларини қайта ишлаш йўлида ишлаб чиқилган замонавий технологиялар эса сарфланган маблағни оқлаши шубҳасиз”, дея ишонч билдирмоқда муаллифлар.



3-расм: канадаликларга тегишли шаҳар фермаси схемаси. Таъкидланишича, мазкур минора нафақат ўзига яқин жойлашган даҳаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, электр қуввати етказиб беради, балки транспорт тармоғи ва маданий ҳордик чиқариш марказига ҳам айланади (манба: Romses Architects).

Хўш, ванкуверликлар ишлаб чиққан лойиҳага бошқа жойларда қандай муносабат билдирилмоқда?


Айни пайтда, лондонлик мутахассислар шунга ўхшаш иншоот гоёсини илгари суришаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Фаркли томони — европаликларнинг фермасида баҳайбат, аммо темирдан нафис ишлов берилган гилдирак бор. У сувда ҳаракатга келтирилгани учун ҳам чарчалакни эслатади. Металл чамбаракка бириктирилган “кутилар” ичига ўсимликлар экилади. “Fatmasy” номи берилган ушбу

ғалати бино атроф-муҳитни тозалаш ва мусаффолаштиришга хизмат қилади. Гилдирак эса ўзига хос фармацевтик ферма вазифасини ўтайди. Рассом Саманта Ли хаёлотни маҳсули бўлмиш “Табиий дорихона”да доривор ўсимликлар етиштирилади, териб олиниб, тозаланади, қуритилади. Шу ернинг ўзида сотиш ҳам орзулар қаторидан ўрин олган.

Аслида бу иншоот Лондон шаҳридаги ҳавоси энг ифлосланган туман — “Kings Cross”га мусаффоликни қайтариш учун ишлаб чиқилганини ҳам айтиб ўтиш керак.


— 1990 йилдан вокзал атрофида жойлашган ҳудудларда бошланган тозалаш ва бунёдкорлик ишлари шундай гоёга замин яратди, — дейди Саманта Ли. — Доривор ўсимликлар табиат гўзаллигини инъом этади. Қолаверса, яшилликка бурканган гилдирак тараққиёт рамзи ҳамдир. У ҳаракатланган пайтда кутилардаги ўсимликлардан тараладиган хушбўй ифтор ҳавога софлик бахш этади, шаҳар ҳавосидаги диққинафасликни бартараф этади, одамлар кайфиятини кўтаради.

Шу маънода пойтахтда тез-тез кузатиладиган руҳий зарба, уйқусизлик, шамоллаш ва депрессияга қарши курашда ёрдам берадиган ўсимлик турлари танланганини тушуниш мумкин.



4-расм: бироқ ҳеч ким Саманта мўйкаламига мансуб зумрад ферма қурилишига кафолат бера олмайди. Шундай бўлса-да, муаллиф қалбидан умид сўнгани йўқ (манба: pruned.blogspot.com).


Асли келиб чиқиши француз бўлган архитектор Венсан Каллебо илгари “Нилуфарлар шаҳри”, Париж, Гонконг ва Мехико шаҳарлари учун мўлжалланган ҳаво тозаловчи “Яшил миноралар”, кўп қаватли боғлар муаллифидир. Унинг навбатдаги янгилиги — байроқ шаклидаги осмонўпар ферма “Ниначи” дея номланди.



5-расм: у катталиқ ва оригиналлик бобида бошқаларни доғда қолдиради. Аммо унинг амалга ошиши қанчалик ҳақиқатга яқин? (манба: Vincent Callebaut).

Бу саволга “Излаган имкон толар” деб жавоб берувчи Каллебо мазкур улкан мажмуа (баладлиги антеннаси билан 700 метр)ни Рузвельт оролига қуриш таклифи билан чиққан. Унинг ички тузилишига ҳам эътибор қаратайлик. 132 қаватли “Ниначи”да мева, сабзавот, дон, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш учун 28 турдаги қишлоқ ҳўжалиги майдони жойлаштирилган. Бу бутун бошли туман аҳолиси эҳтиёжини қоплайди, деганидир.


Ойнали қанотлар орасида улкан иссиқхона кўзга ташланади. Шаффоф ташқи қобиқ ёзда қуёш нури ва қишда илиқ об-ҳаводан қувват олиш имконини беради. Бу эса у ердаги микроиклим шароитида ҳавонинг айланиши ва намгарчиликни меъёрида сақлашга замин яратади.



6-расм: мазкур гайритабиий ферма яшаш жойлари, ишлаб чиқариш корхоналари, боғлар, илмий лаборатория, дам олиш масканини ҳам ўз ичига олади. Чикиндилар эса ўғит сифатида ишлатилади. Ёгингарчиликлар ҳам бекорга кетмаслигини англаш қийин эмас (манба: Vincent Callebaut).

Экологик тозалikka эришиш долзарб аҳамият касб этаётган ҳозирги пайтда бу каби хаёлот мевалари нечоғлик аҳамиятга эга эканини тушуниш мумкин.

— Айримлар тураржойлар ва офислар қуришда баладлиқ бўйича кимўзарга мусобақалашаётгани ҳақида кўп эшитганмиз. Шароитни яхши тушунган баъзи одамлар эса бундан кўра кўпқаватли фермаларга кўпроқ қизиқиш билдираётгани ва уларни кўлаб-қувватлашга тайёр экани қувонарлидир”, — деди Винсент Каллебо. — Бунинг устига, уларнинг ташқи кўриниши ҳам шаҳар кўрқига кўрк қўшиши мумкин.



7-расм: дарвоқе, “Ниначи”даги тегирилмон парраклари ва қуёш панеллари унинг энергияга бўлган эҳтиёжини 100 фоиз қоплайди (манба: Vincent Callebaut).

Тўғри, бир қатор мутахассислар аъъанавий фермалар ва боғларни кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни маъқул кўришаётганини ҳам унутмаслик лозим. Лекин муқобил вариантларни ишлаб чиқиш ҳам фойдадан холи эмас. Биз ҳикоя қилган гоёлар шулар билан чекланиб қолмайди. Улар қаторида Сахрои Кабирга сунъий ўрмон ётқизиш, Токио шаҳридаги осмонўпар бинолар ертўлаларига ерости фермалари қуриш кабилар ҳам бор.

Шу ўринда Канаданинг “Houweling Nurseries” агрокомпанияси томонидан Калифорния штатида очилган “Резаворлар иссиқхонаси” ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. У ташқи кўринишидан мумтоз ва оддий меъморий ечимга эга. Ягона эътиборли томони, бироз балан иншоотда помидорлар бир неча қават-ярусларда етиштирилади. Ишчилар ҳосилни маҳсул юккўтаргичлар ёрдамида йиғиб олади.



8-расм: “Барака” чўғи ҳам ёмон бўлмайди — бир акр (0,4047 гектар) майдондан 482 тонна помидор териб олинади, — дейди компания директори Кейси Хоуэлинг. — Бу микдор оддий ҳўжаликларда етиштиришга нисбатан 15 фоиз кўп демакдир. Бундай кўрсаткичга эришиш учун Голландиянинг “Kubo Greenhouse Projects” фирмаси мутахассислари ҳам яқиндан кўмак бердилар (манба: Anne Cusack/ Los Angeles Times).

“Калифорния мўъжизаси”да ҳам “яшил” технологиялардан фойдаланилган. Ёмғир сувини ғамлаб қўйиш, қувват тўғлаш, гидропоника усулида (тупроқсиз, озуқа моддалари эритмасида ўсимлик ўстириш, ўғитлаш) парваришлаш тизими шулар жумласидандир.

Айниқса, маълум ҳудуддаги қуёш батареялари ҳисобига муқобил энергия етказиб бериш таъминланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Қуёш иссиқлик коллектори, ёзда совитувчи, қишда иситувчи қурилмалар ҳам энергетика масаласини ижобий ва тежамкор тарзда ҳал қилиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, модернизация ва замонавий технологияларни амалиётга жорий этишда канадалик тадбиркорлар ҳар бир акр учун 1 млн. доллар (ер нархи бундан мустасно)дан сарфлашди. Улар энди ҳамма интилишларнинг самараси — юқори ҳосилдорлик учун ҳаражатларнинг ортиги билан қопланишига ишониммоқда. Кўриниб турибдики, унчалик ҳам таниқли бўлмаган агрокомпаниялар инновациялар ва мағзи тўқ янги гоёларни ишлаб чиқаришга жалб этиш тўғрисидаги топмоқда, харидорлар орасида ном қозонмоқда. Энг асосийси — қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ошаётган, бунинг устига экин ва чорвага яроқли ерлар майдони камайиб бораётган, чўлланиш ва қурғоқчилик муаммолари долзарблашаётган бир шароитда вертикал фермалар яқин кўмакчи айланиши мумкин.


Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАРКАЗИ

Сурия жанубида қазилма ишларини олиб бораётган археологлар навбатдаги ноёб топилмаларга дуч келишди. Улар 3 мингга яқин қадимий буюмларни топган. Science.km.ru манбасида келтирилишича, археологик топилмаларнинг баъзилари салкам 4 минг йиллик тарихга эга қўл меҳнати маҳсулотлари ҳисобланади.

Ҳозирда олимлар буюмларни бронза даврининг ўрталари (эрамыздан аввалги 1800—1700 йил олдинги пайт)га, шунингдек, Рим даври номини олган тарихий вақт (милoddан олдинги 510 ва милодий 476 йиллар) оралиғига тегишли, деган фикрда. Тадқиқотчилар раҳбари Қосим Муҳаммаднинг фикрича, топилма мазкур худуднинг ўша пайтдаёқ ўзига хос маданий цивилизациялар маркази бўлганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мутахассислар турли сопол буюмлар, қиличлар, ҳар хил тақинчоқ, чироқ ва нишонларни топишган. Шу билан бирга, экспедиция аъзолари 21та сағанани аниқлашган бўлиб, айна пайтда улардан 5таси эрамызнинг II – IV асрларига тегишли деб тахмин қилинмоқда.



қанчалик узоқ давом этишини аниқлашдан иборат бўлиб, галдаги натижалар фақат 2020 йил баҳорида қўлга киритилади.

Яна бир энг «чўзилаётган» тажрибани эса 1927 йили Австралия университети профессори Томас Парнелл бошлаган. У бу тажриба орқали қора сақич(смола)нинг эгилувчанлик даражасини аниқламоқчи бўлган. Сабаби, смоланинг табиатан молекуляр тузилиши суяқ моддага ўхшаш, лекин аслида чўзилувчан материал ҳисобланади.

Шундай қилиб, Т. Парнелл смолани бугда эритиб, ойнали штативга қуяди ва сақичнинг оқиб тушиш тезлигини кузатади. Илк томчилар 1938 йили ускуна тагига қўйилган стаканга тушди. Кейингилари эса 9 йилдан сўнг, яъни 1947 йили томди. Шундан буюн 1954, 1962, 1970, 1979, 1988 ва 2000 йиллар оралиғида бу тажриба натижалари бошқа олимлар томонидан кузатиб келинди. Ҳозирга қадар тажриба доирасида суяқлаштирилган қора сақич сувдан кўра юз миллион марта эгилувчан эканлиги аниқланди. Эътиборлиси, айна пайтда ҳам тадқиқот тўлиқ якунига етганича йўқ.

СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР КАМАЙМОҚДА(МИ?)

Англия, Австралия, Франция, Италия ва Германия эколог мутахассислари ўтказишган тадқиқот натижаларига кўра, сўнгги ўнйилликда



Ерда илон турлари кескин камайиб бораётган экан. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги маълум қилди. Агентлик сайёрамизда илонларнинг кўпайиши ҳолати ва динамикасини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Лойиха тадқиқотчилари 17 турдаги судралиб юривчиларнинг миқдори билан боғлиқ маълумотларни таҳлил этган. Уларнинг фикрича, илонлар сонининг кескин камайиши 1998 йилдаёқ сезилган. Юзага келган вазият сабаблари эса ҳозирча номаълум.


— Биз таҳлилнинг янги усулидан фойдаландик ва яқунда сайёранинг турли бурчақларида илонлар сонининг кескин камайиши бирдай кузатилишини аниқладик, — дейди лойиха раҳбари Крис Реддинг.

Таъкидлаш лозимки, олинган натижалар экологларни хавотирга солмоқда. Келгусида улар яна қатор

таҳлиллар ўтказиб, Ерда судралиб юривчилар сони нега камаётгани сабабини аниқлашмоқчи.

ТУШКУНЛИКНИ ЕНГИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Олимларнинг маълум қилишича, қулупнай кайфиятни кўтариб, тетиклик бағишлайди. Тушқунликни енгиш учун эса 150 грамм мева кифоя. Бунинг сабаби қулупнай ўзидаги 50га яқин хушбўй модда ёрдамида салбий ҳисларни бартараф этиш хусусиятига эга экан, дейилади «Лайф сайнс» нашрида.



Мева яна бошқа фойдали хусусиятларга ҳам эга. Хусусан, қонни тозалаш, иммунитет тизимини мустаҳкамлаш, моддалар алмашинувини фаоллаштириш, юрак-қон томирлари тизимининг ишлашига яхши таъсир кўрсатиш, жигар, буйрак ва ҳатто саратон хасталиқларига қарши курашишда ҳам бу мева яхши восита экан.

Шу билан бирга, қулупнай грипп, тиш ва бош оғриғи, бурун-ҳалқум шамоллашида, айниқса, қўл келади. Мева яна қандли диабет касаллиғи аниқланган беморлар учун ҳам фойдали, чунки у углеводларнинг сингишини секинлаштириб, тана вазнининг камайишига олиб келишини мутахассислар таъкидлашапти.




МАРСДАГИ УЛКАН КЎЛ

Ўтмишда «Қизил сайёра»да узунлиги 2000 ва чуқурлиги салкам 8 километрли кўл бўлгани эҳтимолдан холи эмас. НАСА қошидаги Сайёрашунослик институти ходимлари тақдим этган Марснинг янги харитасидаги геологик маълумотлар мазкур илмий фаразни тасдиқламоқда. Мутахассисларнинг мавзуга оид мақоласи «Нейчэ геосайнс» журналада чоп этилди.

Олимлар сайёрага йирик метеорит тушгандан сўнг ҳосил бўлган, деб тахмин қилинаётган Эллада текислиги қатлами таркибини ўрганишган. Марсни ўрганиш вазифаси юклатилган бир нечта, «Viking», «Mars Odissi», «Mars Orbiter» каби самовий аппаратлар ёрдамида олинган сўнгги маълумотлар бу тахминнинг тўғрилигини тасдиқлади. Айна пайтда курилмалар ахбороти таянган ҳолда кўл бундан тахминан 3,5—4,5 миллион йил олдин ҳосил бўлгани ҳам қайд этилди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш зарурки, шу кунгача қадимда Марсда кўл бўлганига ишора этувчи далиллар сайёранинг кўплаб худудларида топилган. Жумладан, ўтган йили бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан бир пайтнинг ўзида сайёрада учта сув ҳавзаси бўлгани аниқланган. Умуман, Марсда сув бўлгани тўғрисидаги илмий фараз эса фақат 2008 йили «Феникс» зонди ёрдамида олинган тўпроқ таҳлиллари натижаси асосида ўз тасдиғини топганди.

ОЧ ҚОЛИШ ХОТИРАНИ КУЧАЙТИРАДИ



Имтиҳон топшириш олдиндан хотирани кучайтиришнинг энг мақбул йўли — оз-оз тановул қилиб, бироз муддат оч қолиш, деб ёзади «Нейчэ Невросайнс» журнали. Бонси, Йель университети олимлари ўтказган тажриба оч қолганда

одам организмда грелин гормони кўпайишини кўрсатган. Бу ҳолат эса ўз навбатида бош миyanинг хотира бўлимини мустаҳкамловчи омилдир.

Аслида грелин очлик ҳиссини қўзғатувчи гормон ҳисобланади. Одам маълум пайт оч қолиб, сўнгра овқатланишга киришганда бу гормон меъдидан ошиб кетади. Натижада, миyanинг гипоталамус қисмида ижобий таъсир кузатилиб, хотира учун «жавобгар» бош қисми фаоллашади. Тадқиқот натижалари грелин гормони яна Альцгеймер (хотира сусайиши) касаллигига чалинган беморларга ёрдам бериши мумкинлигини ҳам кўрсатди.

ЭНГ УЗОҚ ТАЖРИБАЛАР

«Ворлд Вондерс» илмий нашрида баён этилишича, дунёда энг узоқ давом этаётган тажриба бундан 130 йил муқаддам бошланган экан. Аниқроғи, америкалик ботаник олим Виллям Билл 1879 йили йигирмата шиша пробиркага бегона ўт уруғларини солиб кўмиб қўйган. Тажриба аввалида идишлардаги уруғлар ҳар 5, 10 йилда, кейинчалик ҳар 20 йилда олиб кўриладиган бўлди. Мутахассисларнинг маълум қилишича, изланишдан мақсад уруғларнинг яшовчанлик хусусияти



ЯНГИ ТУРДАГИ ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАР

Хитойдаги Синкай кўли атрофида қушларнинг 15та янги тури яшаши аниқланди, деб хабар берди «Синьхуа».

Уларнинг орасида саъва, чернушка(қизилқуйруқлар туркумига мансуб қушча)нинг янги турдошлари бор. Демак, муҳофаза худудидаги қанотли дўстларимиз сони 242тани ташкил этаркан.


— Бундай хушхабар барчамизни қувонтирди. Қушлар экологияни сақлаш, зараркундаларга қарши курашишда одамларнинг энг яқин ёрдамчиларидир, — дейди олимлардан бири.

Мазкур сув ҳавзаси худудида 1985 йили кўриқхона ташкил этилган. У ерда ҳар йилги кўчиш мавсумида 2,5 млн.га яқин қушлар бироз вақт нафас ростлаш учун тўхтаб ўтади.


5000 «ЁШ»ДАГИ ОЁҚ КИЙИМИ

Ўтган йили археологлар Арманистонда қадимги чарм пойабзални топишганди. Арманистонлик, ирландиялик, исроиллик, британиялик ва америкалик бир гуруҳ олимлар томонидан олиб борилган таҳлил натижасида мазкур кўхна оёқ кийими беш минг йиллик тарихга эга эканлиги маълум бўлди, деб хабар берди «Плос Ван» манбаси.

Арени-1 горида олиб борилган қазув ишлари пайти қўлга киритилган ноёб топилма ҳиндулар оёқ кийимига ўхшаб кетади. Унинг узунлиги 23,5 см., эни 10 см.га тенг бўлиб, бугунги ўлчамда 37 бичимга тенгдир.



ҚАРАШЛАРНИ УЗГАРТИРДИ



Бундан 100-200 млн. йиллар илгари яшаб ўтган ихтиозавр ва плезиозавр каби жонзотлар ўз тана ҳароратини доимий тарзда Цельсий бўйича 35 даража атрофида ушлаб туриш қобилиятига эга бўлган экан. Бу ҳақда «Сайнс» журналада франциялик ва даниялик олимларнинг мақоласи чоп этилди.

Деярли барча сүтэмизувчилар ва қушлар тана ҳароратини назорат қилишга лаёқатлидир. Кўплаб судралиб юривчилар, балиқлар эса бундай хусусиятга эга эмас, деб ҳисоблаб келинарди. Бироқ Лион I университети тадқиқотчиси Кристоф Лекюе томонидан олиб борилган изланишлар бу борадаги айрим қарашларга ўзгартириш киритди. Хусусан, тунец ва қиличбалиқ организми «иссиқ-совуқлик»ни меъёрида «ушлай» олар экан. Олимнинг фикрича, бундай нодир қобилият уларга аждодлари ихтиозавр ва плезиозаврдан «мерос» бўлиб ўтган.

Бундай тўхтама қелишга кўхна рептилия турлари қолдиқларини ўрганиш асос бўлди. Уларнинг тишларидаги кислород изотоплари текширилди. Одатда шу усул билан ҳайвон қон таркиби таҳлилидан тана ҳароратини аниқлаш мумкин. Натижада, мазкур қадим жониворлар танаси ҳарорати Цельсий бўйича 33—37 даражада бўлгани маълум қилинди.

Бу эса бир қатор динозаврлар ҳам иссиққон бўлган, деган тахминнинг туғилишига сабаб бўлди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА, Дилноза ҚАЮМОВА ва Шоҳиста РУСТАМОВА тайёрлади.

«Ma'rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Лилия Бинашевага отаси Кутум ОРАЗАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY
DEYMIZ?

G

Gavhar ko'p bo'lsa, qadri bo'lmaydi. Muqobili: "Shakarning ozi shirin" — majoziy ma'noda. Har bir yaxshi narsaning ham ozi yaxshi, qadri bo'ladi. Ko'p bo'lsa, ko'ngilga uradi, qadri ketadi, degan mazmunda. Xalqda "Bor yerda bol arzon, yo'q yerda tuz qimmat" degan maqol ham bor. Ya'ni ko'p bo'lsa, qadrsiz, oz bo'lsa — tansiq. Qavmlarimiz har narsaning me'yorida bo'lishi, boylik, mol-mulk ham ehtiyojni qondiradigan darajada to'planishini normal holat sanaganlar. Me'yordan oshish, ehtiyojdan ortiq dunyoga ega bo'lish kishini axloqiy-maishiy jihatdan buzishini uqtirib kelganlar.

D

Daraxt bir joyda ko'karadi. Haqiqatan ham daraxt niholini joydan joyga ko'chiraversangiz so'lib, oxiri quriydi. Bir joyda yaxshi parvarish qilinsa, ko'karib, yayrab-yashnaydi. Bu maqol bilan "Hayotingni o'tkazib turgan yeringning shart-sharoitiga ko'nik. Agar bunga qoniqmay, issiq joyingni sovutsang, borgan joyingda qadr-qimmat topa olmaysan, o'z yeringga, bor tirikchiligingga qanoat qilsang, axiri kamolga yetib, baraka, qadr topasan", degan ma'noda pand-nasihat qilinadi. Daraxt misolida inson hayoti, tabiati, turmush tarzi ko'zda tutiladi.

Daromadga yarasha buromad. Daromad — kirim. Buromad — chiqim. Bu maqol bilan ota-bobolar: "Kirimingga qarab chiqim qil, o'z holingga yarasha ish ko'r. Kirimning mazasi bo'lmasa-yu, chiqimningni katta-katta qilib yuborsang, keyin o'zingga qiyin bo'ladi", degan andisha bilan iqtisod va tejamkorlik yuzasidan ta'lim berganlar.

Do'st achitib gapirar, dushman kuldirib. Chin do'stdan faqat foyda tegadi, u kishiga yomonlik sog'inmaydi, ziyon-zahmat yetkazmaydi. Agar u qattiq-qurum gapirsa ham, bundan xafa bo'lmaslik kerak. Chunki u kishini noto'g'ri yo'ldan qaytarmoq niyatida, kuyunganidan shunday qiladi. Mazkur maqol va uning quyidagi muqobillarida shu o'g'it qayta-qayta ta'kidlanadi: "Do'st yig'latar, dushman kuldirar"; "Shakarli tilga ishonma"; "Do'st otgan tosh bosh yormas"; "Achchiq so'z — achchiq doriday darmon"; "Do'st so'zini tashlama, tashlab boshing qashlama".

Maqol bilan inson odam tanish, do'st-dushmanning farqiga borish, aslni qalbakidan ajrata olishga chaqiriladi.

Ye

Yeb to'ymagan — yalab to'ymas. "Yeb yetti bo'lmagan, yalab yetmish bo'larmi?"; "Mutab to'ymagan, mujib to'yarmi?". Ochko'z, badnafs odamlarga nisbatan qo'llaniladigan mazkur maqollarning quyidagi mazmundoshlari ham bor: "Qo'ziligida sutga to'ymagan to'qiligidan turtkisiz qo'ymas"; "J'g'izida to'ymagan — to'g'izida to'ymas".

Maqol badnafs, suq odamlarga nisbatan tanqid ma'nosi hamda hamisha nafsni tiyish, ko'zi, nazari to'q bo'lishga da'vati bilan ahamiyatlidir.

Yegan og'iz uyalar. Muqobili: "Og'iz yesa — ko'z uyalar". Mazkur maqol bilan xalqimiz "Beraverar ekan deb birovning ovqatini yeyaverma, narsasini olaverma, oqibatini o'yla. Balki bu "himmat" ortida yomon niyat yashiringandir", demoqchi bo'ladi. Berganini yeb, undan manfaat ko'rib yurgan bo'lsang, bir kuni kelib, u ham senga imkoningdan tashqari iltimos qilib qolsa, u g'ayriqonuniy bo'lsa ham, bajarishga majbur bo'lasan. Chunki yegan og'iz uyalar, deganlaridek, uning oldida qarzdor, burchdor bo'lib qolgansan, degan o'g'itni beradi.

Maqol insonni erkin va xolislikka, o'zgalari oldida tili qisqirib bo'lib qolmaslikka chaqiradi.

Mahmud SATTOR
(Davomi bor)

QAYTA TENDER SAVDO-LARIDA
IHTIROK ETISH
UCHUN TAKLIF

Умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи назаридан қайта ишланиб, оптималлаштирилганлиги, ўқитувчиларнинг иш юкмасини белгилаш ва тақсимлашнинг тартиби ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими янгиланганлиги муносабати билан мактаб ҳужжатларининг мазмуни, шакли ва ҳажмида ўзгаришлар бўлишини инобатга олиб, "Ma'rifat" газетасининг 2010 йил 13 март сонидан "2010 йилда умумтаълим мактаблари учун синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини харид этиш" бўйича эълон қилинган Тендер савдолари тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун қуйида номлари келтирилган синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини қайта тендер савдоларидан ўтказишни эълон қилади:

- 1 1—4-синф журналари
- 2 5—9-синф журналари
- 3 10—11-синф журналари
- 4 Буйруқлар дафтари
- 5 Педагогик кенгаш мажлиси баённомалари дафтари
- 6 Психологик-педагогик ташхис дафтари
- 7 Баҳолар табели
- 8 Куни узайтирилган гуруҳлар дафтари
- 9 Тўғрак журналари

Тендер синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини сифатли ва арзон ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очик кўринишда ўтказилади.

Талабгорлар тендер комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;

- талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;

- талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралари томонидан тасдиқланган нусхаси;

- талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;

- Эълон берилган даврда тендер талабгорининг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

Қуйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;
- малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

- илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

- тендер эълон қилинганга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқиладиган;

- пакетлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;

- тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи гуруҳи ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хомашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар 2010 йил 12 июндан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан кўшимча маълумотлар олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охириги кунига қадар ҳар куни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00дан 17:00гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими. Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+99871) 239-14-01, 239-40-83, Факс: (+99871) 239-40-81.

Халқ таълими вазирлигининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 250 000 (икки юз эллик минг) сўм миқдоридан қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади: Махсус ҳисоб рақами № 20203000100101044002, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО 00423, ИНН 201122808.

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридан закалат билан таклиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 26 июнь соат 14:00га қадар ишчи гуруҳ манзилига топширилиши керак. Тендер таклифлари 2010 йил 26 июнь куни соат 15:00да юқорида келтирилган манзилда барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тазквандо бўйича республикамиз ва қатор халқаро чемпионатлар голиби Ирода Исмоилова ҳақида у тахсил олаётган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти устоз-мураббийлари илиқ фикрлар айтишди.

ИМКОНЯТ НАТИЖАСИ — ГАЛАБА

— Кўп кузатганман, Ирода доим машғулотларга ўз вақтидан аввалроқ келиб шуғулланаётган бўлади, — дейди биз билан суҳбатда гуруҳ мураббийси Шахло Нуриддинова. — Ундаги сабр, чидам, масъулият каби хислатлар жуда кўплаб ютуқларга эришишига замин бўлган. Мен уни бошқа талабаларимга ҳам ўрнак қилиб кўрсата оламан. Келажакда бундан-да катта натижалар кўрсатишига ишонаман.

Шарқ яққакураш турларидан бири — тазквандо ҳам бугунги кунда ёшлар орасида оммалашиб келаяпти. Тазквандо бўйича республикамиз, қолаверса, халқаро миқёсидаги мусобақаларда галабага эришиб, ўз иқтидорини намоён қилиб

келаятган ёшлар ҳам орамизда талайгина. Шундай истеъдодли спортчилардан бири Ироданинг эришган ютуқларини алоҳида эътироф этсак арзийди.

1990 йили Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида тавал-

луд топган спортчи қиз ёшлигидан тазквандо билан шуғуллана бошлаган. Бугун эса унинг галабалари бир талай. Хусусан, 2004 йили Москвада бўлиб ўтган Европа очик чемпионатида иштирок этиб 2та олтин, 1та кумуш медални қўлга киритган. Бундан руҳланган Ирода кейинги мусобақаларга янада пухта тайёргарлик кўра бошлади. Ана шу интилишлари натижасида 2006 йили Болгариянинг София шаҳрида бўлиб ўтган Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал соҳибаси бўлди. 2007 йили Санкт-Петербург шаҳри мезбонлик қилган катталар ўртасидаги жаҳон кубогида эса бронза медални қўлга киритди. Унинг

Xotin-qizlar sporti

бу каби ютуқларга эришишида мураббийси Дилшод Юсуповнинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозирда тазквандони ўрга-

нишда давом этаётган Ироданинг ўзи бу борада шундай деди:

— Барча ютуқларимнинг асосида, албатта, биз ёшларга яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсади мужассам. Биргина мисол: ҳозир бизга машғулотларни Кореядан келган мутахассис Беак Мун Жон ўтказмоқда. Тазквандо сирларини эгаллашимизда бу каби сабоқлар жуда асқотади.

Ироданинг бугунгача эришган галабалари уни қониқтирмаслиги қувонарли ҳол. Бу эса келажакдаги бундан-да кўпроқ муваффақиятлар калити, демакдир.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ОРЗУСИ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ

Қувасойлик тажрибали мураббий, миллий кураш, бел олиш, қўл кучи (армрестлинг)

бўйича спорт устаси Дилдора Раҳмонованинг кетма-кет қўлга киритаётган ютуқлари вилоятимиз аҳлини хушнуд этмоқда. Айниқса, унинг 2010 йил 8—10 март кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган бел олиш кураши бўйича Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллаб, олтин медал совриндори бўлиши ва шу тариқа жорий йил сентябрь ойида Пекин шаҳрида, декабрда Эстонияда ўтажак жаҳон чемпионатларига йўлланмани қўлга киритиши спортчида ўзига бўлган ишончни янада оширди. Жорий йилнинг апрель ойида Маргилон шаҳрида 1996—1999 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган бел олиш кураши бўйича Ўзбекистон чемпионатининг очилиш маросимида Дилдорага ушбу федерация президенти томонидан «Матиз» автомобилнинг топширилиши эса спортчи қизимизга кўрсатилган яна бир рағбат бўлди.

Дилдоранинг ўз фаолиятини давом эттиришида устозлари — Севара Дехқонова, Мамарасул

Болтабоев ва Носиржон Азизовнинг хизматлари катта бўлди. Айниқса, ўз касбининг устаси, аёл мураббий Севара опанинг устозлик қилиши Дилдора учун катта имкониятлар эшигини очди.

Спортчи қиз меҳнатлари натижаси ўлароқ, 2003 йили Тошкентда бўлиб ўтган бел олиш бўйича жаҳон чемпионатида III ўринни қўлга киритди. 2008 йили Албания, 2009 йили Литвада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ушбу спорт туридан III ўрин соҳиби бўлди. Шунингдек, шу йили қўл кучи (армрестлинг) бўйича Осиё чемпионатида у ўнг ва чап қўлларда I ўринни эгаллади.

Ҳозирда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси мутахассислигини эгаллаган Д.Раҳмонова шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабида миллий кураш бўйича мураббий, илмий бўлим мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Мазкур ютуқлар ва уларга қаратаётган муносиб эътибор Дилдорани янги зафарлар сари ундаши табиий.

А.СОЛИЕВ

Фаргона вилояти.



НАДАЛЬ ВА ИСТОМИН КУРАШИ



Лондон шаҳрида теннис бўйича бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро турнирда испаниялик теннисчи, жаҳон рейтингда биринчи ўринда турган ракеткачи Рафаэль Надаль чорак финалга йўлланма олди.

Энг қизиги, у нимчорак финалда ҳамюртимиз Денис Истомин билан куч синашди. Яқиндагина Францияда кечган «Ролан Гаррос-2010» турнирида зафар кучган Надаль кортда Истоминдан бир қадар тажрибалироқ эканини исботлади, бироқ ўзбекистонлик спортчи ҳам рақибига муносиб қаршилик кўрсатди. 3 соат 53 дақиқа давом этган баҳсда 7:6 (7:4), 4:6, 6:4 ҳисоблари қайд этилди. Эслатиб ўтамиз, мазкур турнирнинг ютуқ жамғармаси 714 минг еврони ташкил этади. Энди чорак финалда Надаль ўз ватандоши Фелисиано Лопесга (турнирнинг 8-рақамли теннисчиси) қарши кортга чиқади.

ЭНГ КЎП ТОМОШАБИН

Миллий хоккей лигаси плей-оффнинг олтинчи финал матчида қайд этилган телевизион рейтинг ўзига хос рекорд ўрнатди. Бундай юқори кўрсаткич сўнгги 36 йилда кузатилмаганди.

Филадельфия шаҳрида ўтган матчида «Чикаго» клуби овертаймда галабани ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлди. Бундай қизиқарли ва шиддатли курашларга бой кечган мусобақаларни бир вақтнинг ўзида жуда кўплаб мухлислар телевизор орқали кузатиб борган.

Стэнли Кубоги финали 49 йилдан буён ўтказиб келинади. Бу қадар юксак қизиқишга сабаб бўлишини ташкилотчилар ҳам қуттирмаганини яширишмади. МХЛ учрашувлари АҚШда охириги март 1974 йили шундай шов-шувли кўрсаткичга сабаб бўлганди. 2009 йили «Детройт» ҳамда «Питтсбург» ўртасида кечган финалда ҳам томошабинлар сони бу қадар кўпчиликти ташкил этмаганди. АҚШдаги Умуммиллий телеканал (NBC) берган маълумотга кўра, ўртача рейтинг 2002 йилги финал баҳси: «Детройт» ва «Каролина» учрашувидаги мухлислар сонига тўғри келаркан.



РЕВАНШ ОЛМОҚЧИ



Жорий йили Канаданинг Ванкувер шаҳрида ўтган қишки Олимпиада ўйинларида муз устида фигурали учуш бўйича кумуш медалга сазовор бўлган машҳур спортчи Евгений Плющенко 2014 йили бўлиб ўтадиган Сочи олимпиадасига аллақачон тайёргарликни бошлаб юборди.

— Дастур ҳозирча йўқ, лекин айрим гоёларни миямда пишитиб юрибман, — деди Плющенко журналистларга берган интервьюсида.

Уша йили иқтидорли фигурали учуш устаси 31 ёшга тўлган бўлади. «Бу шунчаки рақам, холос. Мен учушни хоҳлайман ва бунга тайёрман. Мен реванш олиш ва ўз нуфузимни қайта тиклашга жудаям ошиқаяпман, деб фикрини давом эттиради Плющенко.

У 2010 йил ҳисобидан терма жамоа таркибида тайёргарлик машғулларида қатнашмаслики афзал билди. Аксинча, у мустақил ҳолда ўз устида ишлаш ва янги қирраларини намоён этишга эътибор қаратаяпти.

12 ЙИЛЛИК ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ

Италиянинг «Брешиа» футбол клуби ҳимоячиси Франческо Флаки катта футболдан оз эмас, кўп эмас 12 йил муддатга дисквалификация қилинди, деб хабар тарқатди «AP».

Бу чарм тўп соҳибининг амалда профессионал футбол билан хайрлашганини билдиради, чунки у аллақачон 35 баҳорни қаршилаб бўлган. Орадан ўн икки йил ўтгач, у фақатгина мураббийлик қилиши мумкин, бироқ тақиқланган моддалар истеъмол қилгани учун «ахлоқсизлар рўйхати»га киритилган Франческони қайси клуб ўз таркибига қорларкин? 2009 йилнинг 19 декабрь куни «Модена» клубига қарши кечган баҳсдан сўнг ўтказилган допинг-текширув натижаси Франческони «фoш» этганди. Мазкур қарорни Италия Миллий олимпия қўмитаси қабул қилди. Айтиш кераки, Флаки 2007 йили ҳам худди шу айби учун икки йилга футболдан четлаштирилганди.

Муножот АЛИМОВА тайёрлади.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2010-2011 Ўқув йили АБИТУРИЕНТЛАРИНИ 16-17-18 ИЮНЬ КУНЛАРИ «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

9:00-16:00 гача давом этадиган тадбирда институтда мавжуд бўлган барча йўналишлар ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Бизнинг манзил : Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй

Телефонлар: 244-18-78, 241-14-52

www.tasi.uz

E-mail: tasi_info@edu.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН РЕЙТИНГ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ХАРИД ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази 2010-2011 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун рейтинг дафтарчаларини тендер савдолари (кейинги ўринларда – Тендер) ўтказиш орқали харид этади.

Тендер рейтинг дафтарчаларини арзон ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очик кўринишда ўтказилади.

Куйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун кўйилмайди:

қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик жараёнида бўлган; малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

Тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган; лотлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;

тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича Тендер талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакали танловни ўтказиш Тендер таклифларини қабул қилишнинг охири санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан кўшимча маълумот олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охиригунга қадар ҳар куни (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00 дан 18:00гача куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасига

Манзил: Тошкент шаҳри, Чимбой кўчаси, 96-уй.

Телефон: (+998 71) 246-27-11, 246-14-87, 246-14-91.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг куйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридagi қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан

Тендер ҳужжатлари олинади:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

№:4999102628095002890002, СТИР: 202515618

Ўзбекистон Республикаси МВ Фазначилиги ХККМ Марказий

банк Бош бошқармаси Тошкент шаҳар


Х/Р 23402000400100001006 СТИР: 201122919

МФО: 00014

2010 йил 29 майда эълон бериб, тендерда иштирок этган талабгорлар бундан мустасно.

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридagi закат билан кафолатланиши шарт. Закат суммаси ҳар бир лотлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 28 июнь соат 12:00га қадар Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасига топширилиши шарт.



Жонажон Ватанимизнинг ёрқин истикболи бўлмиш бу қизалоқларнинг нозик ҳаракатлари, капалакдек пирпираб, мураккаб бадий гимнастика машғулотларини бажаришга уринишлари қалбингизда дилбар таассурот уйғотади. Юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган гамхўрликлар остида эмин-эркин, қувнаб-яйраб улғаяётган болаларнинг спортга бўлган меҳри, иштиёқи жуда баланд. Мурғак дунёси булутсиз осмондек мусаффо қизалоқлар бир кун келиб, бадий гимнастика бўйича жаҳон ареналарида юқори поғонадан жой олишига шубҳа йўқ. Зеро, бунинг учун яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар етарли.

Шайхонтоҳур туманидаги 588-мактабгача таълим муассасасида болалар спортини, жумладан, бадий гимнастикани ривожлантиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда тарбиячилар, психологлар ва мутахассислар иштирок этиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Тадбирда тумандаги 14та МТМдан келган тарбияланувчилар ижросида бадий гимнастика машғулотлари намойиш этилди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Биз бутун ўсимлик, она заминнинг бог ва далаларини, Ватанимиз бойликларини, ҳайвонот оламини асрашга масъулмиз. Ана шу вазифани бажаришда болалар ва ота-оналар учун чоп этила бошланган янги нашр — «Buloqcha — Родничок» экологик журналининг ўз ўрни бўлади, албатта. Ундаги ранг-баранг руқналар болалар ёши ва қизиқишига мос.

БУЛОҚ ТОМЧИСИ —
БИЗНИНГ ТУМОРИМИЗ
бу нашрнинг шиори

«Олтин мерос» руқнадаги «Икки экспедиция изидан» мақоласида бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан сўнг, орадан 500 йил ўтиб Чогори тоғ тизмаларига кўтарилган альпинистларнинг 8100 метр баландликка Ўзбекистон байрогини олиб чиққанлари ҳикоя қилинади. «Биохилма-хиллик» руқнадаги «Қизил китоб»га киритилган ноёб ҳайвонлар билан танишув, «Шеърят майдони»даги қувноқ шеърлар, давомли экологик эртақ, «дала полизидан топишмоқлар» болажонларни она-табиатни, унинг неъматларини кадрлашга чорлаши билан аҳамиятлидир.


Журнал саҳифалари рангли расмлар, баҳор ва ёз экологик календари, кроссворд, «Ёш расм» тўғраги аъзоларининг ижодий ишлари билан янада мазмунли чиққан. Ундаги бир ажойиб янгилик ҳам барчани қувонтирса ажаб эмас. «Экоглобус» руқнадаги маълумотда ёзилишича, БМТ қарорига кўра шу

йилдан бошлаб баҳор байрами — Наврўз Халқаро кун сифатида кенг нишонланадиган бўлди. Шунингдек, 2010 йил БМТ томонидан «Биохилма-хиллик йили» деб эълон қилинди.

Журналда «Оналар ён дафтарига» руқнада фойдали сабабот маҳсулотлари, унинг таркиби, қайси касалликларга даво бўлиши, қачон тавсия этилмаслиги ҳақидаги маълумотлар берилган. «Оддий мўъжизалар» сарлавҳасидаги мақолада болажонлар учун «сеҳрарлик сирини» фойдаланган.

Таҳрир ҳайъати «Buloqcha — Родничок» журнали билан барча журналистлар, ёзувчилар, олимлар, ўқитувчи, мураббийлар, ёш ижодкор расмларни ҳамкорлик қилишга, болажонларни эса «Сазамир — PRO» МЧЖ мутахассислари экоавтобусда мусаффо булоқлар бўйлаб саёҳатга чорлайди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири



<p>Ma'rifat</p> <p>ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим ва сан ҳодимлари касба uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Бoш муҳаррир: Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Таҳрир ҳай'ати: Жуманазар БЕК-НАЗАРОВ, Бахтийор DONIYOROV, Хуршид DO'STMUHAMEDOV, Баҳодир JOVLIYEV (бoш муҳаррирнинг биринчи о'ринбoсари), Акмал ISLOMOV (мас'ул кoтиб), Маҳмуда MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (бoш муҳаррир о'ринбoсари), Nurlan USMONOV (бoш муҳаррир о'ринбoсари, «Учитель Узбекистана»), Aleksey CHUKARIN (мас'ул кoтиб, «Учитель Узбекистана»), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p>Газета Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 рақам билан рo'yxatga olingan.</p> <p>ИНДЕКС: 149, 150, G-522. Tirajl 40189. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Hulkar TO'YMANOVA.</p> <p>Navbatchi: Sanjar RUSTAMOV.</p>	<p>«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. Belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rti va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rti maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar Gulnora SAFAROVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p> <p>Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 02.00 Yil yakuni — 00.30</p>
	<p>1 3 4 5</p>			